

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
Х. С. СУЛАЙМОҢОВ НОМИДАГИ  
ҚЎЛЕЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

ШАРҚ КЛАССИКЛАРИ МЕРОСИДАН

Б Е Р Д А Қ

Ш Е Ё Р И Я Т И Д А Н

Қорақалпоқ тилидан МИРТЕМИР таржимаси

Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитетининг нашриёти  
Тошкент — 1983

Редколлегия: Абдурахмонов Ф. А., Аҳмадхўжаев Э. Т., Жабборов Ж. Ж., Қаюмов А. П., Пармузин В. С., Шоғуломов И. Ш., Шомухамедов Ш. М.

*Хурматли китобхонлар эътиборига ҳавола қилинаётган ушбу китобчага қорақалпоқ халқининг атоқли шоири Бердимурод Қарғабой ўғли — Бердақ (1827—1900) ижодидан айрим намуналаргина киритилди. Моҳир таржимон, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати ва Бердақ номидаги Қорақалпоғистон АССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон халқ шоири Миртемир томонидан ўғирилган бу шеърлар ва ёштонда қорақалпоқ халқининг XVIII—XIX асрлардаги ижтимоий ҳаёти кенг ва ҳар томонлама акс эттирилади.*

Тузувчи Марат Нурмухамедов  
Муҳаррир Азиз Қаюмов  
Тақризчи Эркин Аҳмадхўжаев

© Издательство ЦК Компартии Узбекистана, 1983.

## ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ АТОҚЛИ ШОИРИ БЕРДАҚ

Бердимурод Қаргабой ўғли Бердақ 1827 йили Орол денгизининг жанубий соҳилидаги Оқ қалъа деган жойда камбағал балиқчи оиласида дунёга келди. Бердақ 1900 йили вафот этган. Мақбараси ҳозирги Қорақалпоғистон АССР Бозатау районидаги Қорақум Эшон қабристонидадир.

Бердақнинг кўп сонли лирик шеърларида ва дostonларида қорақалпоқ халқининг XVIII—XIX асрлардаги ижтимоий ҳаёти кенг ва ҳар томонлама акс этади.

Бердақ демократ шоир сифатида ўз давридаги воқеалар ва ижтимоий муносабатларни илғор мавқеъларда туриб баҳолайди. У ўз асарларида тенгҳуқуқлилик, гуманизм, ватанпарварлик ғояларини ташвиқ этди; эксплуататорларни шафқатсизлик билан фoш этди: мазлумларни ҳимоя қилди; хонлар ва подшоҳлар зулмига қарши бош кўтарган жасур курашчиларни куйлади. Бердақ ўз дунёқараши, ижтимоий-сиёсий тафаккури жиҳатидан ўз замонасидан анча олдинга кетган эди.

Эзилган халқ аҳволи мавзуи Бердақ ижодига сингиб кетган. Бердақ ўзининг «Бўлган эмас», «Солиқ», «Бу йил», «Умрим» ва бошқа кўп шеърларида меҳнаткашларнинг оғир ҳаётини, эксплуататорларнинг мудҳиш зулмини кўрсатди. Аммо у халқ ҳаётига ачинибгина қолмади. Балки ўзининг «Яхшироқ», «Ухшайди», «Солиқ» каби шеърларида, «Аҳмоқ подшоҳ» дostonида эксплуататорларни қаттиқ нафрат билан танқид қилади; бойларнинг зулм ва зўравонлигини вужудга келтирувчи, ижтимоий ҳуқуқсизликка асосланган жамиятни кескин қоралайди. Шоир кишиларни халқнинг бахт-саодати учун курашга чорлайди. У ўз Ватани учун жон фидо қилувчи курашчиларни кўрмоқ истайди ва бундай курашнинг ғалабасига ишонч билдиради. («Халқ учун»,

«Керак» ва б.). Тарихий мавзулардаги айрим дostonларида («Омонгелди», «Ерназарбий») Бердақ хонларга қарши бош кўтарган қаҳрамонларни куйлайди, уларни ўз авлодига ибрат қилиб кўрсатади. «Омонгелди», «Айдосбий», «Ерназарбий» каби асарларида шоир ўтмишдаги кўп тарихий воқеаларга тўғри баҳо беради. Шунинг учун ҳам кўпинча тарихчилар Бердақ асарларига мурожаат қиладилар.

Шоир гарчи динни йўқотмоқ тарафдори бўлмаган эсада, дин ниқоби остида халқни алдаб келувчи ва уни таловчи риекорларнинг ниқобини очиб ташлайди («Яхшироқ», «Бўлса керак» ва б.). Бердақ меҳнатни улуғлайди («Яхшироқ»), аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилади («Келин», «Ўйланма»), ёшларни ўз Ватанини севмоққа, билим ўрганмоққа чорлайди. («Болам», «Нодон бўлма»).

Бердақ ижодининг харктерли белгилари халқ оғир ва машаққатли ҳаётининг ҳаққоний тасвири, эксплуататорларни шафқатсизлик билан фош қилмоқ, бахтли келажак тўғрисидаги орзу-умидлардан иборат. Мавзуларнинг кенглиги ва ранг-баранглиги, тилининг бойлиги ва образлилиги, шеър шаклларининг мукамаллиги, энг муҳими, чуқур ғоявий мазмун, халқчиллик ва демократизм, ҳаққоният ва гуманизм, гражданлик жасорати — мана шулар ҳаммаси Бердақ асарларининг абадийлигини таъминловчи омиллардир.

Бердақ ижодий меросининг аҳамияти қорақалпоқ халқи миллий маданияти чегараларидан ташқарига ҳам чиқиб кетади. Унинг асарларидаги адолатпарварлик, гуманизм ғоялари, ижтимоий ҳуқуқсизликка қарши, зулм ва зўравонликка қарши кураш ғоялари барча тараққийпарвар кишилар қалбига ҳамоҳангдир.

Ўз халқининг жонкуяр ғамхўри бўлган ватанпарвар шоир айни замонда том маънодаги интернационалист ҳам эди. Унинг душманлари Хива хонлари, қорақалпоқ солиқ йиғувчи ғоратгарлар ва эшонлардир. Унинг

дўстлари, қайси халққа, уруққа мансуб бўлганидан, кимлигидан қатъи назар, мазлум камбағаллардир. Унинг муҳтарамлари Аристотель, Платон, Навоий, Фузулий, Фирдавсий, Бедил, Маҳтумқули, Андалиб, Кунхўжа, Ажиниёз.

Қорақалпоқ шоири Оташнинг айтувига кўра, Бердақ вафот этганида марҳумни қорақалпоқларгина эмас, балки ўзбеклар, қозоқлар, татарлар ва руслар ҳам биргаликда охирги йўлга кузатиб борганлар.

Ўз шоирона ҳаёлларида Бердақ «халқ тақдирини ким ҳал қилажаги» тўғрисида кўп ўйланар эди. Оллоҳми? Бунга умид боғламоқ мушкул. Гоҳо адолатли подшоҳ тўғрисида фикр тугилади. Аммо бу фикрни ҳам дарҳол рад этмоққа тўғри келади. Чунки «Дунё дунё бўлгандан подшоҳ одил бўлган эмас». «Одамга бемехр жаллод беомон, элни кўп йиғлатар оталиқ ва хон» («Кўринди»), «Шаҳзодалар хону беклар ҳеч адолатли бўлмади» («Қолмади»), «Бу дунёнинг вафоси йўқ», («Қолмади»). Шоирнинг идеали зулмкорларга қарши курашга бош бўла олувчи халқнинг чеккан машаққатлари учун қасоскор, халққа озодлик ва бахт-саодат келтира олувчи халқ қахрамонларидир. («Керак», «Излар эдим», «Халқ учун», «Омонгелди», «Аҳмоқ подшоҳ ва б.») «Керак» шеърида шоир «ёруғ дунё», «Элу юртини ўйлаган эл ғамхўри керак менга» деб орзу қилади.

Бердақ муҳтожлик чангалида эзилган, уқубат чеккан халқ учун эзгулик ва адолат бахш этмоқ йўлида катта фалсафий умумлашмалар қилади. У «Одил подшоҳ» ғоясидан юқорироқ кўтарилади. Аммо ўз даврининг фарзанди сифатида ўша замонда яшаган қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи тақозосига кўра халқнинг инқилоб орқали озодликка эришув йўлини кўрмади ва кўролмас ҳам эди. У ижтимоий тенгсизликка қарши асов норозилик билдириш мавқеида турди. Лекин Бердақ халқнинг ўз бахти ва озодлиги учун кураши

адолатли кураш эканига қаттиқ ишонар, ана шу орзу қилган бахтли замонлар келажагига умид боғлар эди. Демократ шоир, халқнинг ғамхўр куйчиси, ҳукмрон синфларни кескин фош этган, катта гражданлик мардонаворлигига эга, юксак истеъдод соҳиби, тараққийпарвар мутафаккир, билимдон муаррих, ўз даврининг солноманависи улуғ инсонпарвар ва интернационалист, моҳир сўз утаси Бердақ — Бердимурод Қарғабой ўғли қорақалпоқ халқининг буюк шоири халқ қалбида мангу яшайди. Унинг ижодий мероси кўп миллатли совет маданиятининг қимматли бир бўлагидир.

**М. К. НУРМУҲАМЕДОВ**

## ШЕЪРЛАР







## ХАЛҚ УЧУН

Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,  
Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун,  
Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,  
Ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун.

Бердимурод, ўйлаб айтгил сўзингни,  
Кўтарма, лоф уриб, фақат ўзингни,  
Қизартмагай биров сенинг юзингни,  
Қўлдан келса, хизмат айла халқ учун.

Етарсан муродга, гар хизмат этсанг,  
Элинг йўллаганда, ҳар қаён кетсанг,  
Ҳарқачон душманнинг бошига етсанг,  
Аянмасдан, хизмат айла халқ учун.

Йигит киши одам дилин эритар,  
Айтган сўзин болдан ширинроқ айтар,  
Бир айтган сўзидан қайтмасдан кетар,  
Айнимасдан, хизмат этар халқ учун.

Золимлар тингламас фақирнинг сўзин,  
Улар ўйлар ўз фойдасин, ўз корин,  
Ҳеч қачон золимлар қўлдаги борин,  
Эп кўрмаслар, бор бўлса-да, халқ учун.

Йигит деган яхши билимдон бўлур,  
Билим, ҳунар йигит учун шон бўлур,  
Ақлсизлар иши кўп ёмон бўлур,  
Аҳмоқлар ҳеч хизмат этмас халқ учун.

Хизмат қил-у, юрма тагин дод этиб,  
Душманини йиғлатгин, дўстни шод этиб,  
Отаю-онани доим шод этиб,

Хизмат айла ота-она ҳаққи чун.

Йигит кирмас фосиқларнинг сўзига,  
Асло тушмас манманликнинг изига,  
Гайрат бериб ўлганича ўзига,

Хизмат этар мудом қондош халқ учун...

Бўри ўзи дардини ҳеч вақт билдирмас,

Яхши одам душманини кулдирмас,

Қўлдан келса унга даврон сурдирмас,

Шу йигитнинг жони қурбон халқ учун.

Сен эй кўнглим, ўйла, осийлик этма,  
Манманлик айлаб сен ноҳаққа кетма,  
Душманларга асло сирингни айтма,  
Яхши бўлур ишинг чандон халқ учун.

Одам ўғли бари бир хилда бўлмас,

Бирида бор нарса, бирида бўлмас,

Яхши бўлса беодоблик иш қилмас,

Яхши бўлса, хизмат этар халқ учун.

Еш йигитга номус керак, ор керак,  
Бўйи хишча, гўзал, нозли ёр керак,  
Узоқ йўлга кетса, қатор нор керак,  
Яхши йигит хизмат этар халқ учун.

Берайин бўлажак ишларни сўйлаб,

Асло иш қилмангиз ёмонлик ўйлаб,

Юз ўлчаб, бир кесинг, ишни соз айлаб,

Бор кучингни сарф айлагил халқ учун.

Эй йигит, ишингда хомлик бўлмасин,  
Ғунчаласа гулинг, ҳаргиз сўлмасин,  
Билак кучли бўлиб, қўлинг толмасин,  
Бор кучингни сарф айлагил халқ учун.

Дўстлик билан ҳар бир ишда шай турсанг,

Жон аямай эл-юрт учун иш қилсанг,

Қайгуланмай, улуг ишга қўл урсанг,  
Шунда менинг кўнглим ўсар, халқ учун.

Мард йигитни севса агар элати,  
Кундан-кунга ортар унинг қуввати,  
Ортида қолади йигитнинг оти,  
Шунинг учун хизмат этар халқ учун.

Бу замонда жабру-жафо чекарман,  
Қора кўздан қонли ёшлар тўкарман,  
Золимларнинг зулмин кўриб сўкарман,  
Куйганликдан жон қийналур халқ учун.

Бўлмади ҳеч ерда манзил-маконим,  
Заҳру-заққум бўлди еган-ичганим,  
Айтсам-да бўлмади менинг деганим,  
Куйганликдан жон қийналур халқ учун.

Бердимурод ҳақиқатни изладинг,  
Мудом элга тўғри йўлни кўзладинг,  
Евузлардан қўрқмай, ҳақни сўзладинг,  
Жон-танингни бердинг доим халқ учун.

Қувват бергай бергай сўзим нозик белларга,  
Мадад бергай тоза гунча гулларга,  
Бахт келармикан бизнинг элларга?  
Улгунча айтарман сўзни халқ учун.

Йигитлар, айтайин, тингланг зоримни,  
Мен баён этайин арзи-ҳолимни,  
Ғам-ғуссалар олар бўлди жонимни,  
Бердимурод айтар дардин халқ учун.

Ажал етиб ўлсам шу кунда ўзим,  
Кетимда қолади ўлмайин сўзим,  
Тирикликда кўрди кўпларни кўзим,  
Фарқин билган хизмат этар халқ учун.

Бердимурод, ўйлаб сўзингни кўргил,  
Юрган сўқмоқлардан изингни кўргил,  
Қайғу чекмай ғарибларга қўл бергил,  
Шунда ишинг бўлур фақир халқ учун.

Кўп йиғлама, ўз бағрингни доғлама,  
Созни чертиб, элдан ўзга чоғлама,  
Душмандан хавф этиб, йўлинг боғлама,  
Умр бўйи хизмат айла халқ учун.

Душманларни бу замонда зўр этдинг,  
Шул сабабли бизни жуда хўр этдинг,  
Эшонларнинг барин харомхўр этдинг,  
Уғрилиги нуқул зиён халқ учун.

Қолмагайман золимларнинг жабрига,  
Тоқат этолмайман унинг амрига,  
Қарши турган яратганнинг қахрига,  
Ҳатто этар ўзин қурбон халқ учун.

Яхши бўлсанг муродингга етарсан,  
Неча манзил, хавфли жойдан ўтарсан,  
Емон бўлсанг, оҳу-фиғон етарсан,  
Емонни учратсанг дафъ қил халқ учун.

Емон одам билмас сўзнинг фарқини,  
Қадрин билмай оға-ини, халқини,  
Кўтармоқчи бўлиб ўзин донғини,  
Емонни учратсанг дафъ қил халқ учун.

Яхши одам сўз маъносин англайди,  
Емон одам бузук сўзин тинглайди,  
Нодон одам асло сўзга кирмайди,  
Менинг кўглим вайрон бўлур халқ учун.

Яхши одам ёқар ширин жонингга;  
Емон одам бўяр қизил қонингга,  
Қўл чўзади яна еган нонингга,  
Емондан нафратлан ҳамон халқ учун.

Оғалар, бўлди-ку бағрим юз пора,  
Бу дунёда қайғим ошар тобора,  
Эл кезаман, чинлик излаб, овора,  
Яна хизмат қилар эдим халқ учун.

Душмандан дардимга топмадим даво,  
Бемаъни сўз айтиб юрмангиз асло,

Ёши улуғлардан олинглар дуо,  
Манфаат бўлмасми ғариб халқ учун?...

Яхши йигитларнинг феъли тор бўлмас,  
Яхшиларга ёмон ишлар кор бўлмас,  
Беодоблик ишлар ёдига келмас,  
Шул сабабли кўнглинг тўлар халқ учун.

Рост айт, Бердимурод, сўзлама ёлғон,  
Бу дунё узоқ — йўл отангдан қолган,  
Юрар бу замонда фақат ақл олган,  
Яхшилар хизматни қилар халқ учун.

Одам айтур одамгарлик сўзларин,  
Маълум этмас ноҳақларга изларин,  
Кўрганини айтур менинг кўзларим,  
То ўлганча хизмат этгай халқ учун.

Ақллилар билур сўзнинг фарқини,  
Хўр қилмагай ундай киши халқини,  
Билур ақл билан узоқ-яқинни,  
Шундай одам ишлар доим халқ учун.

Ҳақ ишни ёд этиб бу Бердимурод,  
Тавсиф этиб, оз эмасдир, ёзди хат,  
Айтиб неча сўзни қилди эҳтиёт,  
Унинг фарқин ўйлаганлар халқ учун.

Шоир эдим, кўзим кўрганин ёздим,  
Кўнглимнинг билганин, сезганин ёздим,  
Замон жафосидан сарғайдим, оздим,  
Келурму деб яхши кунлар халқ учун.

Отим Бердимурод, мен халқнинг ўғли,  
Саҳрода сайровчи сайроқ булбули,  
Ўн гулидан очилмади бир гули,  
Муродига етолмади халқ учун.

## ЯХШИРОҚ

Оқ буғдойи туриб сули сепгандан,  
Тоза шоли туриб курмак экандан,

Бекор қирқ кун қайғу-алам чеккандан,  
Тан соғлиқда шодмон фурсат яхшироқ.  
Дунёга келибсан, бахтинг очилса,  
Душманларинг оёғингга бош урса,  
Қўлни қовуштириб, ҳурматинг қилса,  
Кўз олайтиргандан иззат яхшироқ.

Ишни ишла, туғилгансан эл учун,  
Жонингни аяма, элда эр учун,  
Киндик қони томган азиз ер учун,  
Улиб кетганингча хизмат яхшироқ.

Ҳечвақтда дўстларинг бўлмасин ҳайрон,  
Қўлдан келса қилинг душманни вайрон,  
Халойиқ бир бўлиб яшанг меҳрибон,  
Туғилган ер учун ҳурмат яхшироқ.

Бошқа бировларни этиб қурдошинг,  
Оқизиб юрма ўз ёринг кўз ёшин,  
Емон бўлса ҳам у умр йўлдошинг,  
Вақтинча қўл берган ёрдан яхшироқ.

Одам боласига зийнат номус-ор,  
Юздан кам бўлмасин таниш — дўсту ёр,  
Агар томирингни қийса бир ғаддор,  
Шу вақт малҳам қўймоқ — ордан яхшироқ.

Эр йигитга номус билан ор керак,  
Оқ кўнгил, қалам қош, севар ёр керак,  
Меҳмоннинг йўлида интизор керак,  
Улоқ сўйса ҳамки, молдан яхшироқ.

Хева хони қасдла юрт босиб олди,  
Молсиз аҳолига кўп солиқ солди,  
Соядор, мевадор йўгон бир орғит<sup>1</sup>,  
Сони юз, сафосиз толдан яхшироқ.

Туриб-ла эртадан далага чиқиб,  
Қўлингни қавартиб, белингни букиб,

---

<sup>1</sup> Дарахтнинг бир тури.

Терингни оқизиб, меҳнатин чекиб,  
Еган бир зоғоранг болдан яхшироқ.

Тераи ақл керак сўзни тизмоққа,  
Тиниқ хаёл керак барин сезмоққа,  
Сув устида яхши юриб кезмоққа,  
Бир қайиқ олти юз солдан яхшироқ.

Аввал бераман деб, сўнгра бермаган,  
Меҳнаткашга ёруғлик эи кўрмаган,  
Нуқул ёлғон сўзлаб, ҳануз ўлмаган,  
Нурмуроддан<sup>1</sup>, балки ҳайвон яхшироқ.

Бу сўзимни эшит, Нурмурод охун,  
Саллангни ўрайсан, чиқариб шохин,  
Меҳнаткашни алдаб кўп ейсан ҳақин,  
Сендан кўра ола қарға яхшироқ.

Уримбет, Нуримбет, Жалол, Сулаймон,  
Сафар, Мирза, Орзу, Эримбет—чаён,  
Халқнинг қонин сўрган, сурбет, бевиждон,  
Ҳаммангдан биздай бир қашшоқ яхшироқ.

Анов ўтирипти Қулмурот, Муса,  
Кўнгли ҳеч оқармас қирқ чайиб ювса;  
Қашшоқларга бахту, ёруғ кун туғса,  
Учимни олмасам, ўлган яхшироқ.

Бир оқшом куйлатиб урди ёзиқсиз,  
Не чора, боғловда қолдик қозиқсиз,  
Қорақалпоқ, кунинг ўтди ёруғсиз,  
Шу қора умрингдан зиндон яхшироқ.

Не асл сўз айтди, ўтди поёнсиз,  
Кўп хизматлар этдим, кетди аёнсиз,  
Мен ҳам бир жон эдим юртга зиёнсиз,  
Хўрлик кўрдим, ўлган чандон яхшироқ.

---

<sup>1</sup>. Беклардан бири

Бердимурод айтар, кўралмай яқти<sup>1</sup>,  
Ўлиб кетар бўлди, очилмай бахти,  
Бердимурод халқни, халқи Бердақни,  
Елғизидай кўрар, жондан яхшироқ.

## БЎЛГАН ЭМАС

Дунё яралгандан бери,  
Подшоҳ одил бўлган эмас,  
Шоирлар қалам олганда,  
Хатга тўғри солган эмас<sup>2</sup>.

Инақурбекнинг боллари<sup>3</sup>,  
Ҳар нега етди қўллари,  
Очиқ, кенг эди йўллари,  
Ҳеч вақт ҳориб, толган эмас.

Бўлмади қилган ниятим,  
Хўр бўлди халқим, ҳимматим,  
Йиғлай-йиғлай ўтдик етим,  
Йиғламас вақт бўлган эмас.

Бизнинг халқнинг бийлари<sup>4</sup>,  
Создир жаҳонда ўйлари,  
Доим таралла куйлари,  
Тўғри жавоб айтган эмас.

Менинг бу айтган чин сўзим,  
Сўзим эмас, менинг ўзим,  
Юмулгунча икки кўзим,  
Ҳечвақт ёшсиз бўлган эмас.

<sup>1</sup> Яқти — ёғду ёруғлик.

<sup>2</sup> Бу сатрда шоир Бердақ ўзидан аввалги кўп шоирларнинг подшоҳларга қасида ёзиш билан овора бўлганликларига киноя қилади.

<sup>3</sup> Болалар маъносиди.

<sup>4</sup> Бий — бек.



Бировлар жуда зор бўлди,  
Бировлар жуда хор бўлди,  
Лочинга қурган тўр бўлди,  
Тўрни ҳеч ким узган эмас.

Қарағай эмас, сўкит<sup>1</sup> бўлдим,  
Қари эмас, йигит бўлдим,  
Тоғдан учган бургут бўлдим,  
Қўнар ерим бўлган эмас.

Гул бўлдим, айрамадим,  
Оқил бўлиб, ўйламадим,  
Булбул бўлиб сайрамадим,  
Ҳодиса кам бўлган эмас.

Қўрғоқ кунда ёгин бўлдим,  
Бўрон бўлдим, чоқин бўлдим,  
Палак ёзга қовун бўлдим,  
Беташвиш кун бўлган эмас.

Золимларнинг жабри ўтди,  
Йиғлай-йиғлай эсим кетди,  
Нега мунча шўрлик этди,  
Еруғ куним бўлган эмас.

Қанчалар оч, қанчалар тўқ,  
Тўқ одамлар қайғуси йўқ,  
Очларнинг ҳеч уйқуси йўқ,  
Уни тўқлар билган эмас...

Эшонларда мурувват йўқ,  
Бой-бийларда адолат йўқ,  
Фуқорода саодат йўқ,  
Халқ ҳеч ўйнаб-кулган эмас.

Эй ёронлар сиртим бутун,  
Бағрим ёниб бўлди тутун,  
Золим ошириб ўз ҳаддин,  
Асло раҳм қилган эмас.

---

<sup>1</sup> Мевали дарахт.

Бу дунё-дунё бўлмади,  
Эркимизга ҳеч қўймади,  
Душманнинг гули сўлмади,  
Тилагим ҳеч бўлган эмас.

Бу дунёнинг дарди ёмон,  
Қувон, бошинг қолса омон,  
Тушди бошга охир замон,  
Инон, дўстлар, ёлғон эмас.

Кундан-кунга бўлди баттар,  
Ҳар ким ўз гамини этар,  
Қора туман қачон кетар?  
Сўнган чироғ ёнган эмас.

Дунёга келдим не кўрдим?  
Қайғу, ҳасратларда юрдим,  
Адо бўлмас дилда дардим,  
Ҳеч ким назар солган эмас.

Бердимурод — менинг ўзим,  
Кунхўжани<sup>1</sup> кўрди кўзим,  
Ҳожиниёздан<sup>2</sup> уққан сўзим,  
Улар ҳам шод бўлган эмас.

## СОЛИҚ

Бултургидан яна ёмон,  
Қандай бўлди бу шум замон,  
Камбағаллар қолмай омон,  
Ўн тилладан келди солиқ.

Буни солди Нуримбет «жон»<sup>3</sup>,  
Буйруқ берди оталик, хон,  
Халқ бўлсин деб хонавайрон,  
Ўн тилладан келди солиқ.

Менга ҳеч гап, эшагим бор,  
Сотиб бераман бир бозор,

---

<sup>1</sup> — Кунхўжа, Ҳожиниёз — шоирлар.  
Ерлибеклардан бири

Аттанг, шүрли оч Эрназар,  
Унга қийин бўлди солиқ.

У фақирнинг нарсаси йўқ,  
Кошки қорни бўлсайди тўқ,  
Хаттоки бир товуғи йўқ,  
Довдиратди уни солиқ.

Уйда бор етим боллар,  
Томоқ<sup>1</sup>, нон деб зор йиғларлар,  
Юрак-бағрини тигларлар,  
Жуда қийин бўлди солиқ.

Анов ётган Палим лаққи<sup>2</sup>,  
Халойиқда борми ҳаққи?  
Берар эдим унга заққи<sup>3</sup>,  
Ҳол-дармонни қуртти<sup>4</sup> солиқ.

Анов юргандир Элмурод,

Остида ёмон ола от,

Унга недер бу салтанат,

Киши хуни бўлди солиқ.

Анов бўлус муртин товлаб,  
Одамларни овлаб-овлаб,  
Оч халқни ҳадеб қулаб,  
Дармонимни қуртти солиқ.

Ундиради оч халқдан,

Етимлар йиғлар хорлиқдан,

Бой омон қолди солиқдан,

Тухмат тўлов бўлди солиқ.

У ўтирган Қулимбет бой,  
Тайёр олдида оппоқ мой,  
Оч халқ юрар тополмай жой,  
Тухмат бўлди ушбу солиқ.

Анов мачит ёруғланган,

Меҳробидан чироқ ёнган.

<sup>1</sup>Томоқ — овқат маъносида.

<sup>2</sup>Эзувчи бойлардан бири.

<sup>3</sup>Заҳар заққум.

<sup>4</sup>Қуритди.

Қуръон очиб, халқни сўрган,  
Эшонларга йўқдир солиқ.  
Оқ узикли улкан ўтов,  
Ўз олдига бўлиб атов,  
Эрман охун турар анов,  
Уларга ҳам йўқдир солиқ.  
Анов юрган Пиримчўлоқ,  
Ўлгиндай мумсик ва ялоқ,  
Солиқ йиғишга шай шу чоқ,  
Бизлар учун қийин солиқ.

### ЕЗ КЕЛУРМИ?

Довул турди, туман юрди,  
Фуқарога ёз келурми?  
Қўшнимнинг қамишин сурди,  
Фуқарога ёз келурми?  
Жонни олар қора совуқ,  
Ез келмасдай бўлди ёвуқ,  
Умр бўйи шундай хўрлик,  
Фуқарога ёз келурми?  
Евғоним йўқ, ичай десам,  
От-улов йўқ, кўчай десам,  
Тўшагим йўқ, тўшай десам,  
Шўрли элга ёз келурми?  
Юрган ерим айрича отов<sup>1</sup>,  
Қўлу оёғимда бўғов,  
Қачон бизда тугалар дов,  
Шўрлик элга ёз келурми?  
Денгиз суви аччиқ ва туз,  
Жўралар иши гўё муз,  
Баҳор ўтмай бўларми куз,  
Бизга ахир ёз келурми?

<sup>1</sup>. Орал маъносиде

Олдимизда тақир сахро,  
Орқамизда теран дарё,  
Оғир меҳнат бўлди бало,  
Бизда ахир ёз келурми?

Жалойир кўприкнинг бўйи,  
Тўхтамайди довул тўйи,  
Шўрлик юртнинг ёлғиз ўйи:  
Қишлар ўтиб, ёз келурми?

Булут босди денгиз, кўлни,  
Қора совуқ эзди элни,  
Эл кўчишга топмас йўлни,  
Қишлар ўтиб ёз келурми?

Очликдан қурийди томоқ,  
Овқатимиз қора бороқ<sup>1</sup>,  
Худой бўлди ҳатто чавоқ<sup>2</sup>  
Фуқарога ёз келурми?

Овулда мол ҳам қолмади,  
Совуқ қўймайин ялмади,  
Қиш не балолар солмади!  
Фуқарога ёз келурми?

Сўнги йўқ, қора қиш бўлди,  
Айтар сўзим қарғиш бўлди,  
Олтин-кумушлар мис бўлди,  
Биз шўрликка ёз келурми?

Оёқ боссам муз ҳам тойғоқ,  
Қулаш осон, юргил айғоқ,  
Бойлар бўлди текин томоқ,  
Биз шўрликка ёз келурми?

Чўзилай десам уйим йўқ,  
Эгнимда илиқ кийим йўқ.  
На мол, на дон, на мўйим йўқ,  
Биз шўрликка ёз келурми?

<sup>1</sup> Қора бороқ-қўкат.

<sup>2</sup> Чавоқ — майда балиқ.

Ҳақ қайда ҳақиқат қайда,  
Шундай азоб ҳамма жойда,  
Тўқлардан йўқ қитдак фойда,  
Яшнаб, яйраб ёз келурми?

Қаранглар асл зотимга,  
Додимга, аҳволотимга,  
Юпун, фақир элотимга,  
Яшнаб яйраб ёз келурми?

### БУ ЗАМОН

Чаққон одим ташлаб, меҳнат қилмасанг,  
Кун кўриш қийинроқ бўлди бу замон.  
Мақсадингга ўйлаб-ўйлаб етмасанг,  
Қийин бўлди кун кўрмаклик бу замон.

Азаматлар дадил-дадил давон ош,  
Дадилроқ бўлмасанг, кўздан оқар ёш,  
Менга агар бўлмасанглар чин йўлдош,  
Қийин бўлди кун кўрмаклик бу замон.

Омон юргил уҳдасидан чиқсанг гар,  
Ор-номусли одам бўла билсанг гар,  
Душманнинг қўлида биров ўлса гар,  
Ишинг ёлғиз қайғурмоқлик бу замон.

Йўлда душман чуқур қазиб ётади,  
Қўлдан келса қафасларга тутати,  
Тегмаганга доим кесак отади,  
Қоронғу қоплаган қайғу бу замон.

Кўллар жудо бўлди ўрдак-сунадан,  
Эрлар жудо бўлди хотин-боладан,  
Қиз-жувон айрилди ота-онадан,  
Қоронғу қоплаган бу қайғу замон.

Дарёга нур сочар кўкда юлдузлар,  
Сояда дам олган нозанин қизлар,  
Едимга тушганда юрагим сизлар,  
Боғлари қуриган бу қайғу замон.

Шажарадан кўрдим ўтмиш кунларни,  
Ғариб-ғасар азоб кўрган тунларни,  
Душман қийноғида жигар хунларни,  
Қоронғу қоплаган қайғу бу замон.

Душманингдан олма ҳеч вақт омонат,  
Кўтарарсан охирида ёмон от,  
Бу замонда сон-саноксиз аломат,  
Биров шоду, биров ғамгин бу замон.

Сафар қилсанг омон-эсон келгайсан.  
Ор-номусни то ўлганча билгайсан,  
Олди-ортга кўзин ташлаб юргайсан,  
Биров шоду, биров ғамгин бу замон.

Бойлоғлиқдир оёқларинг, қўлларинг,  
Бердимурод, қийин сенинг ҳолларинг,  
Очилмади сенинг юрган йўлларинг,  
Армон билан кетар бўлдим бу замон.

Золимлар эзади халқларни сонсиз,  
Бетида қони йўқ, тамом виждонсиз,  
Фақир, қуллар яшар бир бурда нонсиз,  
Душманлар жафоси ўтти бу замон.

Оху фарёд қилган билан фойда йўқ,  
Шодланармиз деган умид ўйда йўқ,  
Ғарибларга ҳаёт — маърака, тўйда йўқ,  
Кўнглинг таскин топмас бўлди бу замон.

Йилдан-йилга замон терсга айланди,  
Йўл тополмай не ақллар ўйланди,  
Не-не чечан тиллар бир-бир бойланди,  
Қоронғу қоплаган қайғу бу замон.

Қиз-жувонлар тенги билан юралмас,  
Ўйнаб, кулиб — ёшлик даврин суралмас,  
Шариат деб уларга йўл берилмас,  
Қоронғу қоплаган қайғу бу замон.

Сўзим ўлмас, доим тирик қоламан,  
Халқим борку, ёвдан ўчим оламан,

Қўрқмай ундан яйраб хандон соламан,  
Яшнамоққа бўлмаса-да бу замон.

Азоб билан элу-юртга қайтаман,  
Дуторимни чертиб, қўшиқ айтаман,  
Хар бандига мудом қўшиқ битаман,  
Қоронғу қоплаган қайғу бу замон.

Бердимурод, қўйгил, бўлмагил оси,  
Умрингда киймадинг саҳтиён маҳси,  
Бир парча нон бўлди сўзинг баҳоси,  
Нон тополмай ўтар бўлдинг бу замон.

Ўйласанг бу дунё бепоён экан,  
Душманнинг иши халққа кўп зиён экан,  
Бойлар — қашқир, тулки; халқ — қуён экан,  
Қоронғу қоплаган бу қайғу замон.

Осилик этмайин, тавба қилайин,  
Эй оғалар, ёлғон айтиб найлайин,  
Ўлсам сўзим қолар, айтиб ўлайин,  
Тундан кейин кундуз келур бу замон.

Қодирмат шогирдим, мен Бердимурод,  
Иккимиз майдонда этдик мулоқот,  
Унда югрук, менда чўвир қора от,  
Тундан кейин кундуз келур бу замон.

## КЎЗИМ

Еруғ дунё кўрмай ўтдим дунёда,  
Ешлигимдан ёшга тўлди бу кўзим,  
Қайғу-ҳасрат тўлиб ётган замонда,  
Қандай кун кўраман, дўстларим ўзим?

Менинг кўзим кўрмас, кўксим ярадур,  
Шифо топмай, кунлар ўтиб борадур,  
Кўзи йўқнинг, билсанг бахти қорадур,  
Замон зардобидан кўр бўлди кўзим.

Вой оғалар, бу не замон — гафлатдур,  
Одамзодга нуқул қайғу — кулфатдир,



Бир нечага ишлар доим захматдир,  
Бу дунёда ёруғ кўрмади кўзим.

Кўзим кўрмас, фақат ваҳмада бошим,  
Азоб билан ўтди етмиш бир ёшим,  
Фақат ўлмак қолди, қавму қардошим,  
Бу дунёда ёруғ кўрмади кўзим.

Фалакнинг гардиши урди ўзимни,  
Кўзим сўқир, ким ҳам тинглар сўзимни,  
Ахир менинг сўлдирмагай юзимни,  
Замон зардобидан кўр бўлди кўзим.

Бутун умрим йиғлаш билан ўтибдур,  
Ақлу-хушим йиғлаш билан кетибдур,  
Бир нечалар ўз бошига етибдур,  
Замон зардобидан кўр бўлди кўзим...

Бу шум дунё мени вайрон этарми?

Еки замон бошимга ҳам етарми?

Бир нечалар мендек бўлиб ўтарми?

Очилиб ёруғ кун кўрарми кўзим?

Эй оғалар, бевақт кунда туғилдим,  
Қоронғуда йўл тополмай, бўғилдим,  
Тўлқиндай туғёним наҳот қолгай жим,  
Очилиб, ёруғ кун кўрарми кўзим?

## КЎРАРМАН

Қулоқ сол, Шамбет боласи,

Ҳолингни ахир кўрарман,

Кўкка етар эл ноласи,

Ҳолингни ахир кўрарман.

Анов кун алдадинг мени,

Не қилдим, золим, мен сени,

Унутдингми бу кун уни?

Ғийбатчи, сени кўрарман.

Емон феълинг халққа етар,

Етганда суякдан ўтар,

Қилиғинг кундан-кун ортар,  
Махсумжон, ахир кўрарман.

Отанг эди шум иброҳим,  
Кўкка етар чеккан оҳим,  
Улуғ халқ бўлса паноҳим,  
Таъзирингни мен берарман.

Тингламадинг йўқ-боримни,  
Эшитмадинг ҳеч зоримни,  
Қўзғатма номус-оримни,  
Соғ юрсам, ахир кўрарман.

Сўрасанг менинг отимни,  
Биларсан аслу зотимни,  
Қадрдоним, элатимни,  
Ҳолингни ахир кўрарман.

Менинг кўнглим ҳақдир, билсанг,  
Дуруст иш йўлин қилмасанг,  
Қаҳ-қаҳлаб ҳолимга кулсанг,  
Ҳолингни ахир кўрарман.

Кўз ёшимни кўрмаёқ қўй,  
Тўғри йўлга юрмаёқ қўй,  
Фотиҳангни бермаёқ қўй,  
Ҳолингни ахир кўрарман.

## ҚОЛМАДИ

Мен узоқ сафарда юриб,  
Йўлда дармоним қолмади,  
Дунёнинг жафосин кўриб,  
Танда мадорим қолмади.

Дунё роҳатин кўрмадим,  
Бир кун шод бўлиб юрмадим,  
Қиз билан ўйнаб кулмадим,  
Менга мададкорим бўлмади.

Турли-туман замон бўлди,  
Ҳазон уриб, гулим сўлди,

Етим-есир кўнглим олди,  
Узгадан мадор бўлмади.

Бою эшон, бегу мулла,  
Тўғри йўлдан юрмас асло,  
Шумлик билан йиғар дунё,  
Номусу ори қолмади.

Яхшининг феъли кенг келар,  
Емон — ёмонлигин қилар,  
Шаҳзодалар, хону беклар,  
Ҳеч адолатли бўлмади.

Олим бўлсанг, илмингни тут,  
Елғиз ўзинг бўлмайсан юрт,  
Золимларни ургин, йиқит,  
Жиндак шафоат қолмади.

Ўзим доно бўлмаганман,  
Кенгашсиз иш қилмаганман,  
Елғонни ҳеч билмаганман,  
Гапимда ёлғон бўлмади.

Сўлди кўнглим муддаоси,  
Борми дунёнинг вафоси?  
Ҳамма ҳам одам боласи,  
Аммо ҳулқи бир бўлмайди...

Ўзи учун бел боғласа,  
Қашшоқлар зор-зор йиғласа,  
Юрак-бағрим доғласа,  
Бойдан мурувват бўлмади.

Бу дунёнинг сафоси йўқ,  
Биз бандага вафоси йўқ,  
Боёнларнинг парвоси йўқ,  
Ғариблар ҳеч шод бўлмади.

Ҳар сўзимда қайғу ва зор,  
Айтсам, ичим ёнар такрор,  
Лекин, сўзимда маъни бор,  
Менга бир таянч бўлмади.

Армоним кўлдир ўзимнинг,  
Камчилиги бор сўзимнинг,  
Оқди ёши бу кўзимнинг,  
Бойдан мурувват бўлмади.

Йилдан-йил замон тор келди,  
Зардобидан ер қоврилди,  
Бу азобдан ким қутилди,  
Зулмнинг поёни бўлмади.

Сўзим равшан ўз элимга,  
Элим тушунар тилимга,  
Элга айтмай, кимга айтмай,  
Бундай ҳоллар оз бўлмади.

Қаққайди бу замон қадди,  
Ошди золимларнинг ҳадди,  
Зулм кучайди ашадди,  
Бирор яйрар вақт бўлмади.

Олтмиш бешга тўлди ёшим,  
Умр бўйи заҳар ошим,  
Қайғудан оқарди бошим,  
Кўнглим бир кун шод бўлмади.

## КЕРАК

Боғида баҳор яйраган,  
Еруғ дунё керак менга,  
Шоҳида булбул сайраган  
Еруғ дунё керак менга.

Соғмоқ учун биям бўлса,  
Еки бирон туям бўлса,  
Жамоат жамулжам бўлса,  
Еруғ дунё керак менга.

Тоғлар бошида ётар қор,  
Менга керак вафоли ёр,  
Бағри бутун, юзи анор,  
Еруғ дунё керак менга.

Гулдай очилиб ўйнаса,  
Олди-ортини ўйласа,  
Кўнглимда армон қўймаса,  
Еруғ дунё керак менга.

Юртлар бўлиб манзил-манзил,  
Қишловига қўнганда эл,  
Бўлса эди бир хишча бел,  
Еруғ дунё керак менга.

Ёли бароқ, қайчи қулоқ,  
Чарчаш билмас, пўлат туёқ,  
Бедов керак, кетсам йироқ,  
Еруғ дунё керак менга.

Ҳар йигити арзир жонга,  
Уч десанг, учар осмонга,  
Ўзини урар душманга,  
Еруғ дунё керак менга.

Йигитки, йўлдан қайтмаган,  
Душманга сирин айтмаган,  
Дўстларимни мунгайтмаган,  
Еруғ дунё керак менга.

Соясин солган фақирга,  
Сувлар оқизган тақирга,  
Йўл кўрсатган ҳар сўқирга,  
Эл ғамхўри керак менга.

Белини маҳкам боғлаган,  
Ўзини жангга шайлаган,  
Элу юртини ўйлаган,  
Эл ғамхўри керак менга.

## ИЗЛАР ЭДИМ

Топилса эди буюк зот,  
То ўлгунча излар эдим,  
Авлодимга қолдириб от,  
Жўшқин-жўшқин сўзлар эдим.

Юракда тошқин дардим бор,  
Ҳали қайтмаган шахтим бор,  
На омаду, на бахтим бор,  
Бўлса жўшқин, сўйлар эдим.

Билган одам, қани келса,  
Менинг бу дардимни билса,  
Айтиб берай, тинглай деса,  
Дардга даво излар эдим.

Бедов миниб чопар ўғлон,  
Курашда билинар полвон,  
Суришга умрбод даврон,  
Бу — муддао, излар эдим.

Йўқолмишдир менинг оғам,  
Йиртилмаса агар ёқам,  
Оққан билим — булоқ соқам<sup>1</sup>,  
Топилгунча излар эдим.

Изласа туғишган иним,  
Туман босган ой ҳам куним,  
Чиқаргали озод уним,  
То ўлгунча излар эдим.

Излар эдим мен отамни,  
Кечиринг, бўлса, хатомни,  
Шод қилиш учун Ватанни,  
Бахт йўлини излар эдим.

Еру дўстим, қариндошим,  
Савдоларга тушди бошим,  
Мард йигит бўлғай йўлдошим,  
Бахт йўлини излар эдим.

Сизлардай мен ҳам одамман,  
Найлайин, кўзсиз қолганман,  
Шу сабаб, куйиб-ёнганман,  
Бахт йўлини излар эдим.

---

<sup>1</sup>Соқа — сувбоши, булоқбоши.

Агар топсам у шерларни,  
Гулистон этиб ерларни,  
Оламга ёйиб сирларни,  
Кезиб дунё, излар эдим.

Чўзмагил қўлингги бекор,  
Уйланиб, тўғри йўлдан бор,  
Бўлса гар ақлли сардор,  
То топгунча излар эдим.

Чидам билан боглаб белни,  
Излаб кўнғирот, хитой элни,  
Кечиб дарё, денгиз, кўлни,  
То топгунча излар эдим.

Чор китобдан нари қочдим,  
Навоийдан савод очдим,  
Фузулийдан дурлар сочдим,  
Доноларни излар эдим.

Маҳтумқулини ўқиганда,  
Айтар эдим ҳар замонда,  
Нуқсон борми, беклар анда,  
Сўзин тавоф қилар эдим.

Топсам дўстим — дарддошимни,  
Савдога солмай бошимни,  
Заҳарга қотмай ошимни,  
Ҳақиқатни билар эдим.

Қора тоғ қарши келса ҳам,  
Аждарни одам еса ҳам.  
Одам қадрин билса одам,  
Чиरोқ ёқиб, излар эдим.

Мен ўзим бекор эмасман,  
Олисдан қайгу эмасман,  
Аслида ёлғон демасман,  
Бахт бўлса гар, излар эдим.

Уралиб қолмай нолага,  
Келар баҳор бечорага,

Е борайми Бухорога,  
Бўлса баҳор, излар эдим.  
Халқим учун тўкиб кучни,  
Олгали золимдан ўчни,  
Оралаб кўрсам Урганчни,  
Еронларни топар эдим!  
Кезсам дунё, кезсам жаҳон,  
Пасаярми оҳу фиғон,  
Маъни тузсам гўё маржон,  
Еронларни топар эдим.

Сездирмасдан бек ҳам хонга,  
Ҳам уларга яқин жонга,  
Ота юрти Туркистонга,  
Бориб, йўқни излар эдим.

Йўлдош топиб йўлга чиқсам,  
Яхшилар сўзини уқсам,  
Евузларни гўрга тиксам,  
Еронларни топар эдим.

Хаёл чопар олга қараб,  
Хаёл қургил ҳолга қараб,  
Уйдан чиққил йўлга қараб,  
Йўлни топсам, излар эдим.

Бердимурод, изла! Изла!  
Яхши йўлни тездан кўзла,  
Кўп ичида яхши сўзла,  
Йўлни топсам, излар эдим.

Топсам асл иш жўясин,  
Қирқардим ёв насибасин,  
Юзига суртиб куясин,  
Йўлни топсам, излар эдим.

Йўғимдан топмадим дарак,  
Тиширчилар дардли юрак,  
Мен шўрликка даврон керак,  
Йўлни топсам, излар эдим.



...Замон, қандай замон бўлди?  
Чинор бошин чўртон чолди,  
Қанчалардан кўнглим қолди,  
Еруғ йўлни излар эдим.

## КЕЛИН

Қайрилма қош, рўйинг толма,  
Икки юзинг пишган олма,  
Ноз этиб, мунча буралма,  
Чиройлисан, кўрдик, келин.

Сочинг сумбул, юзинг оппоқ,  
Қундуз киприк, юпқа томоқ,  
Қирмиз ёнок, оғзинг ўймоқ,  
Чиройлисан, кўрдик, келин.

Қулоғингда олтин зирак,  
Тилинг ширин, ўзинг тийрак,  
Кўргач сени, вайрон юрак,  
Ажаб ҳайрон қолдим, келин.

Ярқирайди инжу тишинг,  
Ибратлидир қилган ишинг,  
Ақлинг расо, бутун эсинг,  
Ажаб ҳайрон қолдим, келин.

Юзинг ўн беш кунлик ойдаи,  
Туққан онаиғ эди қандаи,  
Сўзинг ширин, гўё болдаи,  
Паризотдан ортиқ келин.

Тол чибиқли нозик бўйинг,  
Ортиқ эди ақлу-ўйинг,  
Қарама-қарши бўлди тўйинг,  
Паризотдан ортиқ, келин.

Қайин оғанга бош эгиб,  
Кўнглинг тўлиб, ҳасрат чекиб,  
Армон билан, ёшлар тўкиб,  
Кўрмаганга тегдинг, келин.

Кўксингга тақибсан танга,  
Танга овунчоқми санга,  
Қайинларга бўлиб янга,  
Билмаганга тегдинг, келин.

Қобирғангни қайғу сўқар,  
Қаддингни ҳам ҳасрат буқар,  
Кўзларинг қонли ёш тўқар,  
Армонинг синангда, келин.

Баҳонг бўлди эллик бош мол,  
Уни олиб, отанг ҳушҳол,  
Эскиликка қилди амал,  
Ҳолинг шундай бўлди, келин.

Душманинг ким, олдингми ўч?  
Турасанми, кўзғолмай, ҳеч?  
Кундош жабри эртаю кеч,  
Ҳолинг шундай бўлди, келин.

Ҳўрлик, азоб кўрган кунинг,  
Йиғлай-йиғлай ўтар тунинг,  
Эркин яйраб чиқмас унинг,  
Армонинг синангда, келин.

Унсиз зоринг қулоғимда,  
Сен севмас ёр қучоғингда,  
Ранг ўчмайин ёноғингда,  
Дил дардини сўйла, келин.

Ўз-ўзингни қилма хафа,  
Қия чўлда чекма жафо,  
Сўраб келса сингил-опа,  
Не айтарсан, ўйла, келин.

Севмас эсанг, юрма йиглаб,  
Биров учун бағринг тиглаб,  
Бу ғовдан қоч, тенгингни топ,  
Ўз севгингни куйла, келин.

## БОЛАМ

Талтаймагин, эрка бўлиб,  
Иягламагин тўлиб-тўлиб,  
Қолмайсан оч, рангинг сўлиб,  
Мард бўл ёшликдан, эй болам.

Ёшликдан ботир бўлиб ўс,  
Ев йўлини доимо тўс,  
Мададкоринг бўлсин улус,  
Мард бўл ёшликдан, эй болам.

Манман бўлма Пиримбойдай,  
Қаддингни ҳам эгма ёйдай,  
Эркин ўсгил асов тойдай,  
Шалвираб ҳеч юрма болам.

Белни боғла, даврингни сур,  
Дўсту, душманни синаб юр,  
Емон сўздан қулоқни бур,  
Сен гафлатда қолма, болам.

Молим йўқ деб, қийнама жон,  
Давлат топилур ҳарқачон,  
Душманингга берма омон,  
Ҳар чоқ ҳушёр бўлгин, болам.

Емон бўлиб тушма кўзга,  
Доғ кўндирма оппоқ юзга,  
Учма асло ёлғон сўзга,  
Емондан зинҳор қоч, болам.

Отим йўқ деб, адашмагин,  
Тўним йўқ деб, талашмагин,  
Емонларга ёндашмагин,  
Оринг ерга урма, болам...

Ишла, манглайдан оқсин, тер,  
Меҳнатда билинар ҳар эр,  
Яхшиларга қўлингни бер,  
Шунда йўлинг бўлар, болам.

Емонларга ҳеч сир айтма,  
Сўз келганда, сўздан қайтма,  
Дўстингни асло мунғайтма,  
Шунда бахтинг кулар, болам.

Молим бор деб ошиб тошма,  
Бекордан-бекор талашма,  
Ҳеч ишга ҳадсиз ёндошма,  
Тўғри сўзла, доим болам.

Элни қошингдан қочирма,  
Иўқ деб борингни яширма,  
Қувлик, шумлик йўлга кирма,  
Халққа сен бўл булбул, болам.

Яхшилик қил, элинг билсин,  
Доим олқиш айтиб келсин,  
Душманинг жуванмарг бўлсин,  
Лекин, кўз бўяма, болам.

Уйламаслик кети вайрон,  
Ахир қилар сени вайрон,  
Тенгинг билан солгил сайрон,  
Душманни аяма, болам.

Топ ўзингга тенг дўст-ёрон,  
Дўст тополмай кезма сарсон  
Қошингга келмасин «қобон»,  
Ундан нари юргил болам.

Қошингга келса гар «қобон»,  
Аён, сени қўймас омон,  
Фойда бермас сўнги пушмон,  
Ешдан ақлли бўл, болам.

Отангдан панду насихат,  
Қўлдан келса, бўл боҳиммат,  
Бировлар қилмасин уят,  
Эртангни кўп ўйла, болам.

Елғизман деб шалпаймагин,  
Кўпман деб ҳам талтаймагин,

Нодонликка йўл қўймагин,  
Доим ўйлаб сўйла, болам.

Емон учун тушма ўтга,  
Хиёнат ўйлама юртга,  
Онани берган оппоқ сутга...  
Бу ўзингга яхши, болам.

То ўлгунча тўғри сўйла,  
Отангни, онангни ўйла.

Яхшига яхшилик айла,  
Бу одамзод нақши, болам.

Етим кўрсанг, қўлингни бер,  
Яхшилар сенга шуни дер:  
Мақтаниб демагил, мен шер,  
Мағрурликни қўйгил, болам.

Ғариб кўрсанг, насиҳат қил,  
Яхши кўрсанг, маслаҳат қил,

Буни сен зўр саодат бил,  
Бу одатни суйгил, болам.

Олдингда буюк довод бор,  
Ошаолсанг, бахт бўлгай ёр,  
Отанг дер: бўлмай десанг хор,  
Тўғрилиқни суйгил, болам.

## НОДОН БУЛМА

Дунёни ҳолин сўрмай,  
Азаматликка ярамай,  
Олди-ортингга қарамай,  
Сен фаҳми йўқ, нодон бўлма.

Чопонинг эгингга солиб,  
Емонлардан ибрат олиб,  
Дўсту ёрларингдан қолиб,  
Сен бошқадай нодон бўлма.

Иўлга чиқиб овул тараф,  
Изни бурма чапга қараб,  
Панд емагил хато айлаб,  
Каримбойдай нодон бўлма.

Бошқалар кўп ташлаб кетган,  
Унбошлик сенга етган,  
Бўлус сени мироб этган,  
Шунга эриб, нодон бўлма.

Сенинг отанг Қулум ёмон,  
Ундан нечук қолдинг омон,  
Қашшоқларга оғир замон,  
Текинхўрдай нодон бўлма.

Отанг ахир миробмиди,  
Бундай амал сўрабмиди,  
Сонсиз солиқ тўплабмиди,  
Текинхўрдай нодон бўлма.

Сенинг тенгинг эмас амал,  
Тушиб олгин ҳоврингдан сал,  
Далага чиқ, кетмонга гал,  
Ақлингни йиғ, нодон бўлма.

Белни боғла, кетмонни ур,  
Ермангни ич, кайфингни сур,  
Ота-бобо йўлидан юр,  
Нодонлардай нодон бўлма.

Сўзимни олсангчи, иним,  
Урганиб ол оз-моз тилим,  
Ушбу сўзни айтар тилим,  
Бундай юриб, нодон бўлма.

## ҲУКИЗИМ

Елкасига бўйинтўрўқ қўндириб,  
Ер ҳайдайман, ўз раъйимга қўндириб,  
Аччиғланиб таёқ урсам, дўндириб,  
Тортади тер тўкиб қора ҳўкизим.

Бошвоғин қўймайин ҳар кун узади,  
Ўзимдан ўзгани кўрса, сузади,  
Ҳар кун не қиларин тугал сезади,  
Овулга белгили қора ҳўкизим.

Бу ҳўкизда айтинг, кимнинг ҳаққи бор,  
Бу кунда кимларнинг синмас шохи бор,  
Манглайинда икки улкан шохи бор,  
Элатда серсавлат қора ҳўкизим.

Қўш ҳайдаб турганда пода ўтади,  
Ҳўкизимнинг жазаваси тутади  
Аччиғланса, мени судраб кетади,  
Шундақа баҳайбат қора ҳўкизим.

Талтайиб тортади, баркашдай изи,  
Қон тўлиб олайган ҳар икки кўзи,  
Ҳўкизлар ичида ягона ўзи,  
Элатда пурқудрат қора ҳўкизим.

Неларни кўрмади, ёронлар бошим,  
Азобу, ғурбатдан оқти кўз ёшим,  
Умрим бўйи қўш ҳайдашган йўлдошим,  
Белларимга қувват қора ҳўкизим.

Рўёбга чиққан йўқ бирор тилагим,  
Золимлардан қўрқиб титрар юрагим,  
Вафолик йўлдошим, кўп чоқ эрмагим,  
Ўтган умри — меҳнат, қора ҳўкизим.

Эй жонивор, ҳа чўх. Асло бўлма кам,  
Кўнглим хуш, турқингга бир бор қарасам,  
Хизматимга сен ярайсан ҳали ҳам,  
То ўлгунча раҳмат, қора ҳўкизим.

## АЙРИЛИҚ

Юрак бағрим бурён этди,  
Золим айрилиқ-айрилиқ,

Кўнғлимни кўп вайрон этди  
Золим айрилиқ-айрилиқ.

Бошимга тушди аломат,  
Қутулолмадим саломат,  
Кўрсатди бизга қиёмат,  
Золим айрилиқ-айрилиқ.

Кўлларим бор, кўлларим бор,  
Кўп уруғлик элларим бор,  
Не бир ёмон йўлларинг бор,  
Золим айрилиқ-айрилиқ.

Қавму қардош, туққан билан,  
Дўстлар рози бўлган билан,  
Зарра ваҳм қилган билан  
Ёмон айрилиқ-айрилиқ.

Айрилиқнинг жабри ёмон,  
Бошда ҳар кун охир замон,  
Баҳром-Гуландом — шу дoston,  
Ёмон айрилиқ-айрилиқ.

Айрилиқнинг жабри ўтар,  
Ерга ахир навбат етар,  
Кўнғлимдан дард қачон кетар,  
Золим айрилиқ-айрилиқ.

## КУРИНДИ

Дунёси қурсин, йўқ унга поён,  
Тилим тугилади, азоб чекар жон,  
Элим оч, яланғоч, ғариб, нотавон,  
Кенг ер юзи кўзимга тор кўринди.

Ерқанот учади қизил, пари йўқ,  
Кун кўришда чумчуқчалик кори йўқ,  
Совуқда учалмас, ҳолу сабри йўқ,  
Ез қиш каби кўп дилозор кўринди.



Йўрғаю, тулпору не-не югурук бор,  
Одамзод шод чогида бу даркор,  
Боғи эрам, ё хиёбон, теракзор,  
Кўзларимга бир чангалзор кўринди.

Ҳолин билмай, зикр тушиб «алла»лар,  
Одамларни алдаб, доим «олло»лар.  
Сўфи, эшон, охун ҳамда муллалар,  
Кўзларимга шайтон қатор кўринди.

Кенг дунё менга тор, аломат бўлди,  
Халқ учун йўл туман, чанг билан тўлди,  
Қизил гулдай юзлар сомондай сўлди,  
Ўтган дунё менга мозор кўринди.

Одамга бемеҳр жаллод-беомон,  
Элни кўп йиғлатар оталик ва хон,  
Бошга оғир кулфат бўлди бу замон,  
Менга бари илон-чаён кўринди.

Нукул кўринади ўзимдай ғариб,  
Фақир юзи сўлгин, ёшликдан қариб,  
Оғалар, мен айтай, қилмангиз айб,  
У дунё ҳам менга ёлгон кўринди.

Туман тарқаб, куннинг юзи кўринса,  
Йўрға минган амалдорлар суринаса,  
Бахт келсаю, кулфат четга суринаса,  
Бир ёшим ўн йилга пайванд кўринди.

Бу дунёга қара, юммай кўзингни,  
Зулматлари ўтга тортар ўзингни,  
Бефатво этади, золим сўзингни,  
Замон менга қора зиндон кўринди.

Адолат йўқ на бегида, на хонда,  
Шодлик йўқ ғарибда, фақир инсонда,  
Бебахт ўтмоқдамиз бу кенг жаҳонда,  
Ҳамма сири менга аён кўринди.

Бердимурод шоир, тагин топгил сўз,  
Уён-буёнингга қара, ташла кўз,

Дилда армон, киялмадинг янги бўз,  
Чархи фалак, кўп беомон кўринди.

Оз бўлди дунёнинг бизга вафоси,  
Кўнглимдан кетмайди жабру жафоси,  
Кимга тўй, тамошоси, сафоси,  
Ғариб элим лолу ҳайрон кўринди.

Дунёси қурсин, ҳазон урмоқда,  
Ясовуллар найза солиб турмоқда,  
Бошимизда охирзамон қурмоқда,  
Замон менга қора туман кўринди.

Дунё ёмон, адолатли замон йўқ,  
Кунлар ўтар, тарқалажак туман йўқ,  
Менинг бу сўзимда шак йўқ, гумон йўқ,  
Эшмаматжон, дунё ёмон кўринди.

Мен ўйлайман ҳақ деб бўлар-бўлмасни,  
Каллакесар, яланғочлар олмосни,  
Ўйла, Бердимурод, сўйлагин ростин,  
Бу ёлғончи дунё вайрон кўринди.

Не Мажнунлар, не Фарҳодлар уринди,  
Чопқир отлар ориқликдан суринди,  
Кам-кам элга аён бўлар сир энди,  
Дунё менга бутун ёлғон кўринди.

Бу дунё керакдир ўлгунча банда,  
Ҳолимга қилмагин кўп заҳарханда,  
Айтажакман токи жоним бу танда,  
Золимларнинг иши пинҳон кўринди.

Ўйлан кўнглим, замон жуда торилди,<sup>1</sup>  
Ғазабидан юракларим ёрилди,  
Ғариб жоним қон-тупроққа қорилди,  
Менга жаҳон-золим замон кўринди.

Бердимурод, ўйла, элга керакни,  
Ерма, золим, титроқ, сўлғун юракни,

---

<sup>1</sup> Торилди — тор бўлиб кетди.

Эркимга қўй, бермасанг ҳам тилакни,  
Давринг менга оғир замон кўринди.

Мен нолийман, замон ерга қорилсин,  
Яйрамадик, ишласак-да, соврилсин,  
Текинхўрлар йўқолсин, қорни ёрилсин,—  
Деган тилак дўстга шоён кўринди.

Уйлан, Бердимурод, қисқарт сўзингни,  
Қисқартмасанг, тупроқ босар юзингни,  
Золимлар кўрсатмас босган изингни,  
Жамолинг бир соат меҳмон кўринди.

## ҚАРАМАС

Емон бўлса туғишганинг,  
Куйиб, пишиб чиқар жонинг,  
Оқ юзингдан қочар қонинг,  
Ўлсанг, қайрилиб қарамас.  
Моли бўлса неча турлик,  
Сендан аяб, бермас кўлик<sup>1</sup>,  
Бошингга солар кўргилик,  
Кўздан қолсангда, қарамас,

Соғишга соғин бўлмаса,  
Қонингга ғалла тўлмаса,  
Барчаси тайин бўлмаса,  
Туғишганинг ҳам қарамас.

Йил бўйи сутсиз, соғинсиз,  
Езларинг ўтса қовунсиз,  
Ит туйнак<sup>2</sup> бермас ўринсиз,  
Емон туғишган қарамас.

Еруғлик кўрмаса кўзинг,  
Ҳеч кимга ўтмаса сўзинг,

<sup>1</sup> Иш хайвони

<sup>2</sup> Ит қовун

Оч-яланғоч қолсанг ўзинг,  
Емон туғишган қарамас.

Кунинг хўр, бўлмаса бахтинг,  
Йиғлай йиғлай кечар вақтинг,  
Тан соғлигинг — олтин тахтинг,  
Улсанг, қайрилиб қарамас.

Молинг бўлмаса қўлингда,  
Бало мўл ўнгу сўлингда,  
Йўлдош ҳам бўлмас йўлингда,  
Туғишганинг ҳам қарамас.

Куч, дармонинг кетса бўйдан,  
Чиқолмасанг тикка ўйдан,  
Қоларсан маърака-тўйдан,  
Бадавлатлар ҳеч қарамас.

Етмаса тўнинг тизингга,  
Не қиларсан ўз-ўзингга,  
Қонли ёш келар кўзингга,  
Басавлатлар ҳеч қарамас.

Бу замон бойда обрўй кўп,  
Камбағал юрар қайғу еб,  
Алдамоқда дунё ҳам ҳўб,  
Туғишганинг ҳам қарамас.

### БИЛАСАНМИ?

Бурнинг пачақ, кўзинг сўқир,  
Тўнғиз каби нуқул хир-хир,  
Эшак қулоқсан, эмас сир,  
Келбатинг шу, биласанми?

Оғзинг қийшиқ, бошинг-чи, кал,  
Ақлинг озу, зиҳнинг чигал,  
Емонлиқ тилайсан ҳар гал,  
Шавкатинг шу биласанми?

Ўқрайиб, қиё қарайсан,  
Гўёки кунга ярайсан,  
Қизлардан ўпич сўрайсан,  
Шу аҳволинг биласанми?

Ҳар қулоғинг бир суфрадай,  
Оғзинг ҳам катта ўрадай,  
Соқолинг ёмон шўрадай,  
Ўз жамолинг биласанми?

Бурнинг сенинг ясси қирдай,  
Мўйловинг тўзган чилвирдай,  
Башаранг тиконзор ердай,  
Келбатинг шу; биласанми?

Қирчонғи отдай яғирсан,  
Сўзлаганда кўп тахирсан,  
Қозоқи қопдай оғирсан,  
Савлатинг шу, биласанми?

Тиржаясан, гап сотасан,  
Қизларга ҳазил қотасан,  
Йўқ обрўйинг йўқотасан,  
Нодонлигинг биласанми?

Тиррақи тойдай тиришиб,  
Елғон сўзни тўқиб-бичиб,  
Чечанман, дейсан керишиб,  
Ҳайвонлигинг биласанми?

Сўз тўқийсан зўрға жўнлаб,  
Дўнғиллайсан кучинг тўплаб,  
Сўлагингни аранг эплаб,  
Бу ҳолингни биласанми?

Кўпдир сенда мол-мулк, бисот,  
Аммо ўзга топар роҳат,  
Йлтифотинг эмас ҳожат,  
Кимлигингни биласанми?

## ХАСИС ЭКАН

Тўйга чақирмай бизларни,  
Тингламай асл сўзларни,  
Мушукдай юмиб кўзларни,  
Олим хасис, айёр экан;

Олимбой тўй берди, дерлар,  
Оч-ориқни кўрди, дерлар,  
Элни чорлаб юрди, дерлар,  
Ҳаммаси ҳам бекор экан.

Чақирмай бизни тўйингга,  
Не келди сенинг ўйингга,  
Лойиқми шу иш бўйнингга,  
Сен лофчию гаддор экан.

Тўйга келган жами меҳмон,  
Езиларми деб дастурхон,  
Бой кўз тикиб турли томон,  
Келганлардан безор экан.

Меҳмонларга тиқилди уй,  
Бек, бойларга сўйилди қўй,  
Жума куни бошланиб тўй,  
Шу оқшом тарқаган экан.

Сўзим дангал, нетай оқлаб,  
Душман юрар тўйни ёқлаб,  
Қўноқларни очдан қоқлаб,  
Евғон ҳам топмаган экан.

«Тўй зиннати» ҳаддан ошди,  
Зиёфати «тўлиб тошди»...

Унга бир товоқ улашди,  
Насиба шу бўлган экан.

Туш-тушдан одам йиғилиб,  
Қозон бошига тиқилиб,  
Тобоқ устига тиқилиб,  
Йиғлай олмай кулган экан.

Олимбойнинг уяти йўқ,  
Товоққа солган эти йўқ,  
Одам бўлиш нияти йўқ,  
Асли жуда маккор экан.

Ўн киши бир товоқ олди,  
Фақат бир марта қўл солди,

Нафас ўтмай бўшаб қолди,  
Ошга ҳамма хардор экан.  
Товоқ ранги ўчаберди,  
Жуваридан гўжа берди,  
Юрт ноилж ича берди,  
Сўнгги шундай бўлган экан.  
Бошида билиб уятни,  
Тоқади деб ёмон отни,  
Сўз қилар деб Бердимуродни  
Тўйга чақирмаган экан.

### УМРИМ

Дунёга келиб, не кўрдим?  
Кулфатда ўтди бу умрим,  
На ўйнадим ва на кулдим,  
Ҳасратда ўтди бу умрим.  
Бердимурод менинг ўзим,  
Эшитинг, калойиқ, сўзим,  
Сарғайди гафлатда юзим,  
Гафлатда ўтди бу умрим.  
Ўйлаб етолмайман ўзим,  
Эшитгин, эй, айтган сўзим,  
Сарғайди гафлатда юзим,  
Гафлатда ўтди бу умрим.  
Не кўрдим мен бу дунёда,  
Йўл кечиб чўлда, қиёда,  
Кун сайин қайгу зиёда,  
Кулфатда ўтди бу умрим.  
Ҳолимни кўриб кулганни,  
Ота-бободан билганни,  
Баён этай кўрганни,  
Заҳматда ўтди бу умрим.  
Бердимурод уч ёшида,  
Ешлик шўхлик оташида,

Болалик қизиги шу-да,  
Ундан нишон бергил, умрим.

Ойлар ўтди, йиллар ўтди,  
Гўдаклик давлатим кетди,  
Тўрт ва беш, олтига етди,  
Ешлик даврин сургил, умрим.

Еттидан сўнг саккиз қишим,  
Саккиз ёшда тушди тишим,  
Шўхлигим, ҳамма қилмишим,  
Едимда бут қолмиш, умрим.

Ўн ёшимда ўқиб калом,  
Улуғларга бердим салом,  
Йиғлаб қолсам, ота-онам,  
Кўп меҳрибон бўлмиш умрим.

Болалар-ла ўқиб қуръон,  
Тушунолмай, бағрим бирён,  
Зорланардим гирён-гирён,  
Оҳу-фиғон чеккан умрим.

Мактаб бориб онда-сонда,  
Уйнаб-кулиб ҳар томонда,  
Болаликни шу замонда,  
Яйраб ўтқарган умрим.

Ўн бир ёшда ортти шўхлик,  
Бўлмаса-да чала тўқлик,  
Эсга келармиди йўқлик,  
Беҳабар кулган кунларим.

Ўнбиримдан-ўникки, ўнуч,  
Танга секин тўлишар куч,  
Теңдошлар билан бўлиб дуч,  
Шодумон бўлган кунларим.

Ўн олтидан сўнг ўн етти,  
Ешлик чоғим бекор ўтди,  
Бағримни зардоблар тутди,  
Кўзим очилган кунларим.



Сабр этиб минг жафога,  
Ночор кўниб ҳар балога,  
Етолмайин муддаога,  
Ўн тўққиз ёшли кунларим.

Йигирмада чинордайман,  
Юк кўтарганда нордайман,  
Арслонга зўр келардайман,  
Кучга тўлишган кунларим.

Ўтгач йигирма уч йилга,  
Куч ва қувват тўлди белга,  
Ҳизмат қилдим элу юртга,  
Кучга тўлишган кунларим.

Бўронларга бош бермайин,  
Бирон ақлда турмайин,  
Ҳечким йўлида юрмайин,  
Йигитлик ошган кунларим.

Дунё кездим топмайин эш,  
Ҳар қадамда бир бало пеш,  
Бетинч, бесабр йигирма беш,  
Дарёдай тошган кунларим.

Етиб келди йигирма олти,  
Дунё бошга бало солди,  
Армонларим дилда қолди,  
Неларни кўрмади умрим.

Хаёл судраб кетди мени...  
Кўрдим кекса Кун-хўжани<sup>1</sup>  
Халқимнинг ардоқлагани...  
Қайларда юрмади умрим.

Бориб, сўзимни тинглатдим,  
Нуқсонларимни ўнглатдим,  
Бир ярим ой бирга ётдим,  
Ўлан завқин тотган умрим.

---

<sup>1</sup>.Кунхўжа — замонасидаги машҳур шоир.

Кирдиму йигирма саккиз,  
Меҳнат чекдим мисли ҳўкиз,  
Ундан сўнг йигирма тўққиз,  
Қайғуларга ботган умрим.

Оғажонлар, тинглангиз сўз,  
Мен шўрлига ташлангиз кўз,  
Ўтдим-ку йигирма тўққиз,  
Саргардон бўлган кунларим.

Катта савдо тушди бошга,  
Бошим бориб тегди тошга,  
Тўлдик мана ўттиз ёшга,  
Хазондай сўлган кунларим.

Тўкмаларда жўрабоши,  
Топсак бериб қўноқ оши,  
Бўлиб йигитлар йўлдоши,  
Майхона кирган кунларим,

Кун кўришим бўлиб зўр ғам,  
Кўп беклардан чекиб алам,  
Сўзни сўзга қўшиб ҳар дам,  
Шеър куйлаб юрган кунларим.

Майхонадир ўттиз олти,  
Йигитлигим кетда қолди,  
Дилни алам босиб олди,  
Зору зор кезган кунларим.

Ўттиз етти, ўттиз саккиз,  
Йигитлик қайтмагай ҳаргиз,  
Келди мана ўттиз тўққиз,  
Бағримни эзган кунларим.

Бағримни эзди бу дунё,  
Алдаб йўлни солди қиё,  
Кундан кунга куним сиёх,  
Нолалар чеккан кунларим.

Ўттиз билан қирқда бор фарқ,  
Токай ғамга бўлгайман ғарқ,

Қирқ ёшимда таниди халқ,  
Бағримни сўккан кунларим.

Эндиги ёшим ёш эмас,  
Бошим ҳам энди бош эмас,  
Ахир, ёрилмас тош эмас,  
Ўтганингми, шу хил, умрим.

Қирқ ўтиб эллик бўлди пеш,  
Қийин эмас фарқин билиш,  
Қайда қолди ўйнаб-кулиш,  
Ўтди қолдими дил, умрим.

Етолмадим муродимга,  
Ким қулоқ солгай додимга,  
Олтмиш ҳам келди олдимга,  
Ҳасратларда ҳайрон умрим.

Дунё! Энди бўлганингми,  
Чиндан четда қолганингми,  
Вақти келмай, сўлганингми,  
Вайрон умрим, вайрон умрим.

Хоразму, Бухоро кездим,  
Бирдан бирин фарқин сездим,  
Ғаму кулфат ичра суздим,  
Армон билан ўтди умрим.

Дунё шундай кечар ахир,  
Кун кўролмаё ўтар фақир,  
Бердимурод, дўстинг чақир,  
Кетди умрим, кетди умрим.

Етолмайман, йироқдаман,  
Яёв етолмас ёқдаман,  
Умрим бўйи фироқдаман,  
Ўтганингми, энди умрим.

Ўтирганда бўлдим ўпок,  
Турганимда худди сўпок<sup>1</sup>,

---

<sup>1</sup>Ўпок-сўпок-ўтириш-туришидан, хатти-ҳаракатдан ҳам нуқсон топиш, камситиш.

Кунлар қайда апоқ-чапоқ,  
Кетганингми, энди умрим.

Юрарга мадор қолмади,  
Дунё бир кунча бўлмади,  
Айтганимни ҳақ қилмади,  
Овора, сарсон кунларим.

Бахт кимгаки солса назар,  
Унинг умри гўё бозор,..  
Бердимурод ўлан ёзар,  
Дил мулки яксон кунларим!

Ўлан айтсам кўнглим ўсар,  
Йигитликдан қолган асар,  
Баъзи чоғ ёдимга тушар,  
Қайтмагай кетган кунларим.

Бу дунёда сурсанг даврон,  
Жанг пайтида урсанг жавлон,  
Кўнгилда қолмайди армон,  
Бошимдан ўтган кунларим.

Мени гуноҳкор қилманглар,  
Нодоннинг тилин олманглар,  
Емонга ёвуқ борманглар,  
Беҳудага кечган умрим.

Нелар кечмади бу бошдан,  
Кўзларим айрилмай ёшдан,  
Бўлса ҳамки бошим тошдан,  
Заҳар-заққум ичган умрим.

Дунёга келиб, не кўрдим,  
Қайда бўлдим, қайда юрдим,  
Кимлар билан сафо сурдим,  
Ўтганингми, шўрлик умрим.

Англа сўзимни халойиқ,  
Айтиб кетмак бизга лойиқ,  
Ҳаммага маълум қилайлик:  
Кўрди фақат хўрлик умрим.

Бердақ йиғлар зорли халққа,  
Ўгит айтар ёрли халққа,  
Ўзидайин шўрли халққа,  
Ўтди ёруғ кўрмай умрим.

Ҳеч ўқсинма, доғли дилим,  
Сўзинг элга ибрат-билим,  
Доим тилга олар элим,  
Кетди даврон сурмай умрим.

Ешлигимда меҳр қўйдим,  
Умр бўйи юртни сўйдим.  
Қариганда ёндим, куйдим,  
Эл ғамида ўтган умрим,

Ким эдинг сен, Бердимурод,  
Эл учун куйдинг умрбод,  
Бировлар паст, биров зиёд,  
Эл ғамида ўтган умрим.

Мен элга бахт етса дедим,  
Золимоти ўчса, дедим,  
Нола чекиб, қайғу едим,  
Эл ғамида ўтган умрим.

Элга нолиш этгил Бердақ,  
Армон билан кетгил, Бердақ,  
Дилда борин битгил, Бердақ,  
Эл ғамида ўтган умрим.

Нари-бери кўп сўз айтдим,  
Билмайман, ё йўлдан қайтдим,  
Наҳот дўстимни мунғайтдим,  
Қафасларда ўтди умрим.

Топилар сўзнинг жўяси,  
Сўзларимнинг бор эгаси,  
Қорақалпоқлар ўлкаси...  
Хуш қол, эй қайғули умрим.

Бердимурод, халқнинг ўғли,  
Саҳрода ўсган булбули,  
Езилди бу тўнғуз йили,  
Ҳуш қол, эй қайғули умрим.



А Х М О Қ П О Д Ш О Х  
Д О С Т О Н





Утган кунларга қарасам,  
Билганлардан гап сўрасам,  
Айтган сўзларин тингласам,  
Кўп аломат бўлган экан.

Биров жонин ўтга ёқиб,  
Тақдири тескари боқиб,  
Кўплар кулбасиз тудоқиб,  
Кўнгли дардга тўлган экан.

Кўзимдан оқди қонли ёш,  
Қайғуда кездим якка бош,  
Бир гал тўйиб емадим ош,  
Қия чўлга бўлдим қўноқ.

Кўрдим кўз билан нечани,  
Йиғлаб ўтказдим кечани,  
Бўлдим бир элнинг чечани,  
Бахт кўрмайин ўтдим бироқ.

Бурро сўзлар тилиб нуқул,  
Очилмади боғимда гул,  
Элим мени атар булбул,  
Туғилибман бевақт сайроқ.

Қўлга дутор олганимда,  
Оқдарёга борганимда,  
Қисса куйга солганимда,  
Бир воқеа билдим мундоқ:

Қиссага боғлаб ўйимни,  
Зор билан чертиб куйимни,  
Ҳам сўйиб ёлғиз қўйимни  
Шу дostonни ёздим бошлаб.

Олтин — айтган ҳар бир сўзим,  
Сўзим эмас, у мен ўзим,  
Баъзан юмиб икки кўзим,  
Қолар эдим бошим қашлаб.

Олтин тахтда суриб даврон,  
Халқнинг бахтин қилиб вайрон,  
Мазлум эл бағрин этиб қон,  
Неча хонлар ўтган экан.

Қийналур танда ширин жон...  
Умри ўтиб алвон-алвон,  
Зулми ошган кекса бир хон,  
Кўп йил элни сўрган экан.

Зўр экан солган қалъаси,  
Қон бўлиб чўли-даласи,  
Эзилиб халқнинг боласи,  
Қаттиқ жабр кўрган экан.

Кунлардан-кунлар ўтганда,  
Йил ўтиб, ойлар кетганда,  
Еши саксонга етганда,  
Кекса подшоҳ ўлган экан.

Ўғли минди олтин тахтга,  
Кўп қувонди келган бахтга,  
Ҳукмин юргизиб элатга,  
Ота йўлин қувган экан.

Отадан ҳам золим бўлди,  
Юртга дарров маълум бўлди,  
Қон оқиб лиммо-лим бўлди,  
....

Енида бўлди ақлғўй,  
Тахтида бирга қурди уй,  
Кунда томошо, кунда тўй,  
Халқ азобда қолган экан.

Қонсиз ва сур бўлди юзи,  
Ўқдай бўлди айтган сўзи,  
Давлатга тўймади кўзи,  
Ута золим бўлган экан.

Еши тўлди ўнтўққизга,  
Кўнгли кетди сулув қизга,  
Нафсини солмади изга,  
Чор тараф кўз солган экан.

Не-не қиз қўлин ушлади,  
Доимо кўнгил хушлади,  
Катта тўйларни бошлади,  
Қирқ бир хотин олган экан.

Еш эди ҳамма олгани,  
Олиб, қафасга солгани,  
Зўрликда никоҳ қилгани,  
Кўпи азобда ўлган экан.

Айш-ишратга тўймайин,  
— Сулув топ, — деб ҳеч қўймайин,  
Талаб этаркан кун сайин,  
Шундай даврон сурган экан.

«— Сулув йўлига дунё, мол,  
Айтканимни қулоққа ол,  
Молга бермаса, тортиб ол!»  
Шундай фармон берган экан.

Ўтов тикиб сассиқ кўлга,  
Қўшилолмай ўзга элга,  
Чилвирини боғлаб белга,  
Бир балиқчи яшар экан.

Қолиб шундай оғир ҳолга,  
Тушиб олиб якка солга,  
Кўксини бериб шамолга,  
Кўлга тўрин ташлар экан.

Қувган экан ота йўлин,  
Совуқ сувга уриб қўлин,  
Қамраб ўнгин, қамраб сўлин,  
Кўлга тўрин ташлар экан.

Сувлар тошиб, солса ўйин,  
Балиқларнинг кўриб тўйин,  
Ўнлаб, юзлаб буқа муйин,  
Омад келиб, ушлар экан.

Қора қошлари қийилган  
Сулувлик донғи ёйилган,  
Оғиз ўймоқдай ўйилган,  
Елғиз қизи бўлган экан.

Кўзларида ёнар учкун,  
Ярқирайди булутли кун,  
Еруғ олар қоронғи тун,  
Шундай сулув бўлган экан.

Сочи қора, юпқа дудоқ,  
Хипча белли ҳам оқ томоқ,  
Узун бўйли ва кенг қучоқ,  
Мисли оҳу бўлган экан.

Отага қўл-қанот бўлиб,  
Ишлар экан ғайрат тўлиб,  
Еш чоғидан гулдай сўлиб,  
Кўп азоблар кўрган экан.

Еш чоғда ўйнаб-кулолмай,  
Янгироқ кийим киёлмай,  
Бир кун ҳам ёруғ кўролмай,  
Кўп азоблар кўрган экан.

Дард устига дардлар тўлиб,  
Ўн ёшда онаси ўлиб,  
Гулим шўрлик етим бўлиб,  
Кўп азоблар кўрган экан.

Ғамда ўтди ёш даврони,  
Кўнглида не-не армони...  
Йиғидан қуриб дармони,  
Отаси кўр бўлган экан.

Сомондай сарғайиб юзи,  
Кўр бўлган сўнг икки кўзи,

Отасини боқиб ўзи,  
Гулим меҳнат қилган экан.

Қизимнинг бахти очилгай,  
Устига дурлар сочилгай,  
Суйгани билан қўшилгай...  
Шундай тилак тилар экан.

Қиз отадан дуо олиб,  
Кўлга тушиб тўрлар солиб,  
Балиқ овлар толиб-толиб,  
Ота рози бўлар экан.

Ота тийиб кўзнинг ёшин,  
Тақдирига эгиб бошин,  
Ичиб-еб қиз берган ошин,  
Олқиш-дуо қилар экан.

Чипта тўкиб, чайла қуриб,  
Қашшоқликда умр суриб,  
Доимо хизматда туриб,  
Балиқ овлаб юрар экан.

Улуғ бойлик — тани совда<sup>1</sup>  
Олти йил ўтди отовда<sup>2</sup>  
Макони бўлган яйловда,  
Шундай умр сураар экан.

Қош қорайиб, кун ботганда,  
Япалоқ қанот қоққанда,  
Ухлагали эл ётганда,  
Шоҳдан одам келган экан.

Шоҳ юбормиш ясовуллар,  
Хон амридан чиқмас қуллар,  
Ўтиб саҳро, босиб йўллар,  
Кўлга яқин келган экан.

Булкиллаб оппоқ томоғи,  
Балқиган юпқа дудоғи,

<sup>1</sup>.Сов — соғ, тани соғда.

<sup>2</sup>.Отов — кўл ўртаси.

Тун ярмидан ўтган чоғи,

Қиз уйқуда ётар экан.

Не армонлар бор ўйида,  
Чайласида, кўл бўйида,  
Букчайиб қолган куйида,  
Чол хаёлга ботар экан...

Хаёл сураар ота уйғоқ,

Туш кўрарди Гулим шу чоқ,

Бир қора илон... иш чатоқ...

Унга тўғри келар экан.

Уйқусидан турди чўчиб,  
Қони қочиб, ранги ўчиб,  
Отасининг бўйини қучиб,  
Гулим йиғлаб турар экан.

— «Уйқудан чўчиб уйғондинг,

Нега куйдинг, нега ёндинг,

Қизим, не сабаб тўлғондинг,

Нечун уйғондинг уйқудан?

Ёки кўрдингми ёмон туш,  
Олиб қўйдими ақлу ҳуш,  
Е нотобсан, ёки нохуш,  
Нечун уйғондинг уйқудан?

Кўзим йўқ, мен бир ғарибман,

Ғариблик билан қарибман,

Ёлғизим, сўраб турибман,

Нечун уйғондинг уйқудан?

Судралиб ҳаёт сургандан,  
Мен сени бахтсиз кўргандан,  
Ўлсайдим бундай юргандан,  
Нечун уйғондинг уйқудан?

Оҳ урма, қўйгил, ёлғизим,

Қадрдоним, ёлғиз қизим,

Манглайда якка юлдузим,

Нечун уйғондинг уйқудан?

Йиғлай-йиғлай битди уним,  
Елғизим, не бўлар куним,  
Тинчроқ ўтмас ҳатто туним,  
Нечун уйғондинг уйқудан?..

Кўл этма кўзда ёшингни,  
Эгмагил бунча бошингни,  
Йиғлатма қайғудошингни,  
Нечун уйғондинг уйқудан?..»

Отасига бош букар қиз,  
Тушин айтиб, ёш тўкар қиз,  
Бағрининг чокин сўкар қиз:  
«— Отажон, майли, оҳ урма.

Кўрармиз насиб бўлганни,  
Шум тақдир бошга солганни,  
Қийнамагин ширин жонни,  
Отажон, майли, оҳ урма.

Хор қилмасин таним соғда<sup>1</sup>,  
Орқаларман Асқар тоғда,  
Елғиз қўймасман ҳеч чоғда,  
Отажон, майли оҳ урма!

Кўтар, отажон, бошингни,  
Оқизма қонли ёшингни,  
Йиғлатма қайғудошингни,  
Отажон, майли, оҳ урма».

Отасини юпатди қиз,  
Келиб, ўрнига ётди қиз,  
Тагин хаёлга ботди қиз:  
«Отажон, майли, оҳ урма».

Чорлар эди бирин бири,  
Аён эди шовқун сири,  
Чопган отларнинг дупири,  
Келди қизнинг қулоғига.

---

<sup>1</sup>Соғда — соғ, омонликда, соғ чоғда.

Тикка турди тепа сочи,  
Ейилди кўкка қулочи,  
Не чораси, не иложи,  
Титроқ етди оёғига.

Қиз ўрнидан учиб турди,  
Эшик томон юзин бурди,  
Ҳам яхшилаб тамба урди,  
Боқди уёқ-буёғига.

Отадан ҳам кетди эс-ҳуш,  
Титрар гўё ярали қуш,  
«Утови шу» деган товуш,  
Етган эди қулоғига...

\* \* \*

«Эшик оч» деб бақришар,  
Дўқ уришар, чақришар,  
Қиз қалбига ўт ёқишар,  
Қиз бесадо турар эди.

Ясовуллар кенгаш тузди,  
Болта уриб, эшик бузди,  
Золимликни хўп кўргизди,  
Қиз бесадо турар эди.

Бир деди: «Ўрнингдан тур,  
Яхшиликча биз билан юр,  
Хонимиз билан даврон сур»,  
Қиз бесадо турар эди.

«Сулувсан, яхши билганмиз,  
Чўлларда йўртиб, елганмиз,  
Шоҳ амри билан келганмиз»,  
Қиз бесадо турар эди.

«Хон сени тушда кўрибди,  
Кўнглини сенга берибди,  
Йиқингда оҳлар урибди...» —  
Қиз бесадо турар эди.



« Чақирган бўлса шоҳимиз, —  
Деди қиз — не гуноҳимиз, —  
Шоҳ учун шоҳларда кўп қиз,  
Айта боринг, боролмайман...»

Деди Гулим: — «Виждонсизлар,  
Юзи қаро, имонсизлар,  
Оқ падару чаёнсизлар,  
Не дейсиз отам олдида».

«Ноз қиласиз нега ойим,  
Жавобинг бўлсин мулойим,  
Шоҳ не деса, бўлар доим,  
Яхшиликча юра бергин».

«Қўйдаи бўғизлаб сўйса ҳам,  
Икки кўзимни ўйса ҳам,  
Гул танимга ўт қўйса ҳам,  
Айта боринг, боролмайман».

— «Юрагингни доғлагаймиз,  
Қўлларингни боғлагаймиз,  
Барибир ҳеч қўймагаймиз,  
Яхшиликча юра бергил».

«Бурда-бурда қилсангиз ҳам,  
Юрагимни тилсангиз ҳам,  
Қанорага илсангиз ҳам,  
Айта боринг, боролмайман».

Мирғазабда қолмади жон,  
Қадам қўйди қизга томон,  
Қиз дер: «Қоч, қолмайсан омон!  
Ҳаром қўлингни узатма!»

Мирғазаб олдинроқ юрар,  
Шопдай мўйловини бурар,  
Қиз бечора титраб турар:  
«Йўқол, қўлингни узатма».

Қиз қаҳри ҳам тошган эди,  
Қирғоғидан ошган эди,

«Қоч, ўласан, ҳозир» — деди,  
Мирғазаб қўл солар ҳамон.

Гулим қўлида болтаси,  
Унг ёнда титрар отаси,  
«Шу бўлса керак каттаси»,  
Деб болта урди беомон.

Шопи-шалопи шарқираб,  
Қутурган молдай ғарқираб,  
Чалқанча тушди Мирғазаб,  
Қолди жонидан ажралиб.

Шу вақтда бир золим, ғаддор,  
Бир тепди кўр чолни, беор,  
Заиф фақирда не ҳол бор,  
«Оҳ» деб йиқилди ногаҳон.

Буни кўриб қиз бечора,  
Унга ташланди яқбора,  
Уриб, қилди тилка-пора,  
Ғаддор ҳам тезда берди жон.

Улар шунда эшик очди,  
Қўрққанидан бари шошди,  
Иккитаси урра қочди,  
Қиз қолди юрагин доғлаб.

\* \* \*

Орадан ўтди олти кун,  
Қайғули бўлиб қора тун,  
Тағин келди қўрқинчли ун,  
Қиз қошинда турган экан.

Келди подшодан жаллодлар,  
Мен-мен деган ёвуз зотлар,  
Гулимни ушлашиб ётлар,  
Қўлга кишан урган экан.

Чол ғарибни кўп уришди,  
Бошинда ғавғо қуришди,  
«Ҳа, қалайсан,» деб туришди,  
Қиз зор йиғлаб турган экан.

Гулимни маҳкам ушлади,  
Жаллодлар йўлга бошлади,  
Отасин чўлга ташлади,  
Қизни олиб кетган экан.

— «Отажон, шўрлик отажон,  
Не қилай, бўлгайсан омон»,  
Судралиб орқадан ҳамон,  
Келарди чол секин-аста.

«Ийглама кўп, ёлғиз болам,  
Ҳар балога бергил чидам,  
Кун туғар ахир бизга ҳам,  
Айрилиқда қолдим хаста».

Қиз ўровда кетар эди,  
Бағрин алам титар эди,  
«Қандай кечар отам куни.  
Ўз-ўзига айтар эди:

Кўп эди дилда армоним,  
Қолмади танда дармоним,  
Азобларда чиқар жоним,  
Қандай кечар отам куни».

\* \* \*

Чол ғариб қолди ўтовда...  
Қўл-оёғи матовда,  
Елғизи кетди бойловда,  
Не чора, йўқдир мадори.

Айрилди чол ёлғизидан,  
Елғиз меҳрибон қизидан,  
Манглайдаги юлдузидан,  
Кимга етар оху зори.

\* \* \*

Етдилар шоҳнинг шаҳрига,  
Хон минган эди қаҳрига,  
Ташлатди зиндон қаърига,  
Қиз ётар чуқур зиндонда.

Балоларга бошин чатиб,  
Гулдай тани қонга ботиб,  
Тутқунлик захрини тотиб,  
Қиз ётар чуқур зиндонда.

Енида оҳ чекар бир қиз,  
Гулим ундан сўрар: «Кимсиз?  
Е тенгдошсиз, ё синглимсиз,  
Айтинг, гуноҳингиз надир?»

«Опажоним, сўрма ҳолим,  
Сарғайиб сўлди жамолим,  
Зиндонга ташлатди золим,  
Айтинг, гуноҳимиз надир?»

Хон раъйига юрганим йўқ,  
Бошим эгиб, турганим йўқ,  
Ҳарамига кирганим йўқ,  
Айтинг, гуноҳимиз надир?»

Не балолар тушди бошга,  
Заҳарини қўшди ошга,  
Энди кирдим ўн уч ёшга,  
Айтинг, гуноҳимиз надир?»

Ҳеч тилимни тортканим йўқ,  
Айтканимдан қайтганим йўқ,  
Унадим, деб айтганим йўқ,  
Айтинг, гуноҳингиз надир?»

Золимлигин билдирди хон,  
Ота-онам ўлдирди хон,  
Гул юзимни сўлдирди хон,  
Айтинг, гуноҳимиз надир?»

Гулдай таним қора қонда  
Улсам, ўлгайман зиндонда,  
Унамайман ҳеч замонда,  
Айтинг, гуноҳимиз надир?»

Ешга тўлдириб кўзларин,  
Бир-бирин тинглар сўзларин,

Сўрашар аста ўзларин;  
«Айтинг, гуноҳимиз надир?»

\* \* \*

Кўп чоғ зиндонда қолдирди,  
Бошга кўп бало солдирди,  
Кейин ҳарамга олдирди,  
Чиройин кўрмоқчи бўлиб.

Хон кўрди Гулим келбатин,  
Паридай сулув сумбатин,  
Бошламоқчи шум ниятин,  
Тўрт кун базм қурмоқ бўлиб.

«Шавқат этинг кўз ёшимга,  
Кулфат солманг бу бошимга,  
Хали етмадим ёшимга,  
Деб муҳлат сўраган экан.

Қиз: «Сенга тегмайман», — деди,  
Подшоҳ: «жаллод!», — деб чақирди,  
«Хўп уринглар, — деб бақирди,  
Шўрлик азоб тортган экан.

Шум ниятига етди шоҳ,  
Ҳушсизланиб қиз чекди» оҳ,  
Не зулм бу кунлар, эй воҳ»,  
Ғам-ғуссаси ортган экан.

Бўлмас ишлар бўлди охир,  
Гулим эрта сўлди охир,  
«Отамни ёнимга чақир,  
Дийдорини бир кўрайин!

Кимга айтай армонимни,  
Оқиздинг ахир қонимни,  
Олдиргин отажонимни,  
Дийдорини бир кўрайин.

Қўлу оёғим боғладинг,  
Қонлар ичиб, тўй-тўйладинг,  
Ғариб отамни найладинг,  
Дийдорини бир кўрайин.

Берухсат келдинг уйимга,  
Боғлатиб, кирдинг қўйнимга,  
Уралдинг ахир бўйнимга,  
Қора илон сен экансан.

Тушда кўрган қора илон,  
Чақдинг ахир, ҳолим ёмон,  
Эркисизликда қийналур жон,  
Ўша шайтон сен экансан.

Арзим шу, бўшат матовдан,  
Отамни олдир ўтовдан,  
Қутулмади бошим довдан,  
Ҳеч бўлмаса, чолни ая.

Ўзи букчайган чол эди,  
Менсиз куни маҳол эди,  
Кўр эди, бемажол эди,  
Ҳеч бўлмаса, чолни ая».

Хон кулди қиз ноласига,  
Кўздан оққан жоласига,  
Саҳронинг бу боласига,  
Бир мақтаниб қўяй деди.

Балки, чўлда ўлган чиқар,  
Балки йиглаб юрган чиқар,  
Тўрт кун умри қолган чиқар,  
Қизи учун аяй, деди.

Отасига кетди одам,  
Қаддини букмиш оғир ғам,  
Оч, яланғоч, кўзида нам,  
Ўлар ҳолда турган экан.

Қизини ўйлаб, қилар зор.  
«Чиқмаган ёлғиз жоним бор,  
Мадад бергил, парвардигор»,  
Фарёд солиб юрган экан.

Келтирдилар чолни бошлаб,  
Зўрға-зўрға қадам ташлаб,

Гулим эса, кўзин ёшлаб,  
Чол бўйнидан кучган экан.

Гулим сочини силар чол,  
Аламни дилдан билар чол,  
Ўзига ўлим тилар чол,  
Дунёдан тез кечган экан.

Шоҳ тингламас юртнинг зорин,  
Топтар эди номус-орин,  
Кимнинг қизин, кимнинг ёрин,  
Зўрлик билан олар экан.

Нечаларни қўлга олиб,  
Бўйнига қил арқон солиб,  
Хириллатиб, молдай чолиб<sup>1</sup>,  
Балоларга солар экан.

Халқ кўнмади бу зўрликка,  
Чидай олмади хўрликка,  
Бош кўтарди тахтга тикка,  
Мазлумлар куч йиққан экан.

Шоҳга деди: «букмаймиз тиз»,  
Ўлар бўлдик очликдан биз,  
Келтирдинг балолар чексиз»  
Зулмга қарши чиққан экан.

Ким қарши чиқса ўлдирди,  
Товонларини тилдирди.  
Дор оғочига илдирди,  
Ўзи ишрат қураб экан.

Дарё бўлиб оқди қонлар,  
Кетди не гуноҳсиз жонлар,  
Ўтга куйди не инсонлар,  
Шундай даврон сураб экан.

Сўзни қисқароқ айтганда,  
Асл мақсадга қайтганда

---

<sup>1</sup>чолиб — сўйиб маъносида.

Адолат бўлмаса ҳеч хонда,  
Халқ қонини сўрар экан...

\* \* \*

Дунё ёрлига<sup>1</sup> тор бўлди,  
Хон фарзандга кўп зор бўлди,  
Кўп ўйлади, бекор бўлди,  
Эллик ёшдан ошганида.

Киргунча шунча ёшига,  
Фарзанд келмади қошига,  
Ҳар хаёл келди бошига,  
Эллик ёшдан ошганида.

«Фарзанд йўқ, — дер ўз-ўзига, —  
Ким қулоқ солар сўзимга,  
Ажин тушди оқ юзимга...»  
Эллик ёшдан ошганида.

«Кирдим — деди, шунча ёшга,  
Заҳрим ўтди қора тошга,  
Фарзанд кўрмай бўлдим, қашқа»  
Эллик ёшдан ошганида.

«Бирин сайлаб олдим юздан,  
Оғзи ўймоқ, хумор кўздан,  
Давлат қўшдим дала-туздан,  
Мендай даврон сурган борми?

Тоғ тўқайга туйғун солиб,  
Қирқ бир сулув хотин олиб,  
Тўйларида карнай чалиб,  
Мендай даврон сурган борми?

Менда ҳозир фақат бир ўй,  
Ўғил кўрсам, берардим тўй,  
Сўйдиардим тўйда минг қўй,..  
Мендай даврон сурган борми?

Ўғил туққан аёлимни,  
Оқ момикқа ўратгайман,

<sup>1</sup>Қашшоқ, камбағал.



Қиз... қиз тукқан аёлимни,  
Бошин кесиб йўқотгайман.

Қиз менга ҳеч фарзанд бўлмас,  
Ўзим ўлсам тахтда қолмас,  
Қиз тукқан хотин ҳеч ўнгмас,  
Бошин кесиб йўқотгайман»

Музлар эриб, келди ёзлар,  
Қағалашиб учди ғозлар,  
Дутор олиб, чертинг созлар,  
Гулим сулу юкли<sup>1</sup> бўлди.

Буни билди қирқбир хотин,  
Туғмай туриб, қўйди отин,  
Бари дер — ёйиб қанотин:  
Гулим сулу юкли бўлди.

Оёғиндан илдирмади,  
Енига ёт келтирмади,  
Хонга ҳам ҳеч билдирмади,  
Гулим сулув юкли бўлди...

Уртадан ёвни қувгандек,  
Белларни маҳкам буккандек,  
Барчаси бирдан тукқандек,  
Бошларини қўшган экан.

Бир-бирин яхши кўриб,  
Гар сўраса, жонин бериб,  
Тоту бўлиб, умр суриб,  
Бошларини қўшган экан.

«Сездирмайлик ҳеч бир жонга,  
Сездирмайлик ҳатто хонга!»  
Хурсанд бўлиб бу нишонга,  
Бошларини қўшган экан.

— «Зора, яхши кунлар келса,  
Гулимжон ўғиллик бўлса,

---

<sup>1</sup>Юкли — ҳомиладор

УлмаЙ, жони омон қолса,  
 Билдиргаймиз хонга кейин.  
 Бўлмаса, феъли кўп ёмон,  
 Қиз туғса қўймайди омон,  
 Уғил туғса ўша замон,  
 Билдиргаймиз хонга кейин!»

Орадан ойлар ўтганда,  
 Жума оқшоми етганда,  
 Тўлғоқ тутди кун битганда,  
 Бари хурсанд бўлди шу кун.

Хизматлари эди Зору<sup>1</sup>,  
 Чақирганда келди тез у,  
 Тайёрлади чаққон дору,  
 Бари хурсанд бўлди шу кун.

Зору буларга ёр эди,  
 Ҳар мушкулда тайёр эди,  
 Анча ҳунари бор эди,  
 Бари хурсанд бўлди шу кун.

Ярим оқшом сўйилди қўй,  
 Тонг отгунча қизиди тўй,  
 Шундай бўлур тўлғоқли ўй,  
 Бари хурсанд бўлди шу кун.

Гулим ётар, сўлиқ юзи,  
 Жовдирайди икки кўзи,  
 Ақл ётар ўзига-ўзи,  
 Ойи-куни тўлди шу кун.

Неча ўйларни ўйлади,  
 Уй дарёсида бўйлади,  
 Қийинликка бел бойлади,  
 Ойи-куни тўлди шу кун.

Қирқ аёл кетмас ёнидан,  
 Азиз кўришар жонидан,

<sup>1</sup>Шоҳ саройидаги кекса қул.

Ортиқ энг меҳрибонидан,

Ойи-куни тўлди шу кун.

Қиз... ё ўғил бўлармикин,

Хушвақтлик кун келармикин

Тангри бизни аярмикин,

Ой-куни тўлди шу кун.

Бари тилар яхши тилак,

Каттаси эди оқбилак,

Тайёр бўлиб бари бирдек,

Ўғил — фарзанд кутди шу кун.

Урашиб турар қирқ аёл,

Етиб келди доя дарҳол,

Гулимга айтиб арзи ҳол,

Ўғил — фарзанд кутди шу кун.

Гулим бетоқат тўлғанар,

Кўзларида олов ёнар,

Дам сариғ, дам, оқ, товланар,

Қаттиқ тўлғоқ тутди шу кун.

Чақалоқ дер гўё: — «бекор...

Дунё менга гўрдан ҳам тор,

Дунёда менинг нимама бор»

Қаттиқ тўлғоқ тутди шу кун.

Гулим ахир эсдан толди,

Қирқ хотин ҳам қўрқиб қолди,

Узоқ ётиб нафас олди,

Қаттиқ тўлғоқ тутди шу кун.

Қийноқ чекиб туни чўғ-ди...

Пари каби бир қиз туғди,

Ҳуши кириб белини бўғди,

Бари хурсанд бўлди шу кун.

Ердан кўтарди Оқбилак,

Кўришмакда кезак-кезак,

Барчасида фарзанд — тилак,

Бари хурсанд бўлди шу кун.

Чочиқ чочиб қилдилар тўй,  
Ирим қилиб, сўйдилар қўй,  
Суюнчига тўлди бир уй,  
Бари хурсанд бўлди шу кун.

Кейин ўртага олишди,  
Қирқ хотин назар солишди,  
Ҳуснига хайрон қолишди,  
Бари хурсанд бўлди шу кун.

— «Эндиги сўз мундоғ бўлсин:

Душманларнинг гули сўлсин,  
Фарзанд демасдан хон ўлсин»,  
Бари кенгаш қурди шу кун.

— «Қиз деган — асал, қанд ахир.  
Қиз бўлса ҳам фарзанд ахир.  
Наҳот бўлмас хурсанд ахир!»  
Бари кенгаш қурди шу кун.

«Уйлашиб кенгаш қурайлик,  
Ким, не дер, қани кўрайлик,  
Эрталаб хабар берайлик!»  
Бари кенгаш қурди шу кун.

«Наҳот, қиз — авлод бўлмаса,  
Наҳотки, хон шод бўлмаса,  
Тош кўнгли обод бўлмаса,»  
Бари кенгаш қурди шу кун.

«Хуснида ҳеч ғубори йўқ,  
Тегмасин бевақт ажал-ўқ,  
Шоҳ суйинар, кўнглимиз тўқ»,  
Бари кенгаш қурди шу кун.

— «Подшо тахтга минганда,  
Вазирлар бари келганда,  
Кимнинг арзи бор, деганда,  
Суюнчига борсин Зору.

Қулоғини дингрок буриб,  
Саройга борсин тез юриб,

Сўз қилмасин биров кўриб,  
Суюнчига борсин Зору.

Борсин подшо саройига,  
Қарасин унинг раъйига,  
Боқсин унинг чиройига,  
Суюнчига борсин Зору.

Оёғига бошин урсин,  
Ширин-ширин суҳбат қурсин,  
Не дер экан, айтиб кўрсин,  
Суюнчига борсин Зору»

\* \* \*

Қирқ аёл кўп кенгаш қурди,  
Зору буни маъқул кўрди,  
Дарҳол сарой томон юрди,  
Суюнчи олмоқчи Зору.

Шу кетишдан Зору кетди,  
Саройга ҳам бориб етди,  
«Арзим бор», — деб, навбат кутди,  
Суюнчи олмоқчи Зору.

Бошида қундуз жиғаси,  
Ярқираб кумуш ёқаси,  
Ҳам қўлида ойболтаси,  
Шоҳ тахтда ўлтирар экан.

Устида сарик малласи,  
Қозондай бўлиб салласи,  
Қози, вазирлар ҳаммаси,  
Арза сўраб турар экан.

Бир бечора ботиб қонга,  
Ларза тушиб ширин жонга,  
Найзалар қадалиб сонга,  
Шоҳ олдида турар экан.

Баданини қамчи тилиб,  
Тирик эмас, чала ўлиб,

Жони халқумига келиб,  
Шўрлик оҳлар урар экан.

Бор экан ота-онаси,  
Куйган сўнг уйи-хонаси,  
Тўлиб тагин паймонаси,  
Шоҳ олдига келган экан.

Шоҳ уларни киргизмапти,  
Елғиз ўглини кўргизмапти,  
Бир қошиқ сув бергизмапти,  
Шундай золим бўлган экан.

Нолага шоҳ бўйин бурмиш,  
Жаллодлари тикка турмиш,  
Ота-онасини урмиш,  
Иккови ҳам ўлган экан.

Бойловда турган гуноҳкор,  
Улардан баттар йиғлар зор,  
Билмас нима гуноҳи бор,  
Гулдай юзи сўлган экан.

Қирғоғидан ошиб қаҳри,  
Бир кучанди тошиб заҳри,  
Узилди арқоннинг бари,  
Шундай фурсат келган экан.

Бир қилич тушиб қўлига,  
Ҳечкимни қўймай йўлига,  
Қилич солиб ўнг-сўлига,  
Қанча бошлар олган экан.

Бўшалган эр куч бермади,  
Ўтқир қиличини сермади,  
Шоҳ қочди, чидаб турмади,  
Жуда кўрқиб қолган экан.

Бор экан ўзидай бўлган,  
Беғуноҳ ранглари сўлган,  
Қўли боғлиқ, чала ўлган,  
Тез ёнига келган экан.

Келди югуриб қошига,  
Қаради кўзда ёшига,  
Қилич берди йўлдошига,  
Иккови жанг қилган экан.

Қистириб белга пўлотни,  
Миниб икков тулпор отни,  
Оралаб қочди элатни,  
Ўлимдан қутилган экан.

Қувди орқадан қанча жон,  
Лашкари чопар неча сон,  
Ушламоқчи бўлар ҳамон,  
Саф тортиб, солишкан экан.

Енгилган йўқ икки ботир,  
Лашкарини қираётир,  
Қочар душман патир-патир,  
Ажойиб олишган экан...

Шоҳ рангига тошиб заҳри,  
Тутолмайин, келиб қаҳри,  
Тўполонга тўлиб шаҳри,  
Ҳайрон бўлиб турган экан.

Шунда Зору бош эгипти,  
Қаршисида тиз чўкипти,  
— Арзим бор, ё шоҳим — депти,  
Шундай суҳбат қурган экан.

— «Келганда шунча ёшингга,  
Давлат қўнди-ку бошингга,  
Келдим қувониб қошингга,  
Суюнчи, шоҳим, суюнчи.

Ўн беш куплик ойдай тўлдинг,  
Бефарзанд кўп замон сўлдинг,  
Ҳақ ярлақаб қизлик бўлдинг,  
Суюнчи, шоҳим суюнчи.

Ғазнани очиб ташланг тез,  
Катта тўйларни бошланг тез,

Хафа кўнгилини хушланг тез,  
Суюнчи, шоҳим, суюнчи.

Фарзандсизлик эди айбинг,  
Қочар эди доим кайфинг,  
Қиз туғди энг кичик заифинг,  
Суюнчи, шоҳим, суюнчи!»

Шоҳ ғазабдан қақшаб қолди,  
«Жаллод», — шумлик овоз солди,  
Икки лабин кесиб олди,  
Шундай золим бўлган экан.

Боғлашиб қўлу оёгин,  
Урди жаллодлар таёгин,  
Кесдилар икки қулоғин,  
Бағрига қон тўлган экан.

Тоғ сувидан оқиб қони,  
Кўнглига чўкиб армони,  
Зўрға чиқмай чивин жони,  
Чала ўлик бўлган экан.

— «Қиз туққанни келтиринг тез.  
Қизи билан ўлдириг тез.  
Айтганимни бўлдириг тез...»  
Амри шундай бўлган экан.

Зору етиб келди аранг,  
Рангида ҳеч қолмапти ранг,  
— «Жаллод келар, гофил бўлманг..  
Зўрға айта олган экан...

Аёлларнинг туси қочди,  
Зоруга қучоғин очди,  
Қўзидай бари чувлашди,  
Аҳволини сўрган экан.

— «Қизни туққан қайси аёл,  
Олдимизга тушсин дарҳол,  
Осармиз дорга эҳтимол!» —  
Деб жаллодлар келган экан.



— «Биттамызни юкли қилдик,  
Зериккандан ўйнаб-кулдик,  
Елғондакам, хурсанд бўлдик!»  
Бари шундай деган экан.

— «Майли, тинтиб, қараб кўринг,  
Гар топсангиз азоб беринг,  
Қиз туққанни ҳайдай юринг»  
Бари шундай деган экан.

Қарашиб уёқ-буёқни,  
Суқишиб найза-таёқни,  
Топишолмай қизалокни,  
Қайтиб шоҳга келган экан:

— «Е шоҳ, бизлар бориб келдик,  
Бор аҳволни кўриб келдик,  
Бир гап қолмай сўриб келдик,  
Кечаги гап ёлғон экан.

Зериккандан кулишипти,  
Бирин «туғди» қилишипти,  
Андак хурсанд бўлишипти,  
Кечаги гап ёлғон экан!

Кечаги алдапти сизни,  
Алдапти сизни-ю, бизни,  
Топмадик ҳеч қандай қизни,  
Кечаги гап ёлғон экан.

Узи жинни бўлса керак,  
Елғон тўйни кўрса керак,  
Зарга ботай, деса керак...  
Кечаги гап ёлғон экан!»

Жаллодлар келмайин туриб,  
Қирқ муштипар хаёл суриб,  
Зору билан кенгаш қуриб,  
Қизни тез яширгандилар.

— «Сақлаб қолайлик қундузни,  
Манглайдаги ёлғиз қизни,

Ярқираб турган юлдузни,  
Ҳийлани оширгандилар.

Ер тагида ажойиб жой,  
Боғу роғлик катта сарой,  
Гавҳарлар ёнар мисли ой,  
Қизни тез яширгандилар.

Очиб тепадан эшикни,  
Жойлашти олтин бешикни,  
Беркитиб ҳамма тешикни,  
Ҳийлани оширгандилар.

Ешидан бўлсин деб зийрак,  
Қучоқлашди кезак-кезак,  
Ипак йўрғак, момик йўрғак...  
Қизни тез яширгандилар.

Чочиқ чочиб, қўй сўйишиб,  
Душманнинг кўзин ўйишиб,  
Ҳам гулзор деб ном қўйишиб,  
Қизни тез яширгандилар.

Дунёнинг юзи тор бўлди,  
Ез куни қиров, қор бўлди,  
Озод ўсишга зор бўлди,  
Қизни тез яширгандилар...

Зору ёшдан чечан эди,  
Кўп сувлардан кечган эди,  
Кўр заржоблар ичган эди,  
Армониини сўйлаб қолди:

«Улдирди бу шоҳ отамни,  
Улдирди ғариб онамни,  
Куйдирди кулба-хонамни,  
Кўнглим тўла зардобу қон.

Ушбу шоҳдан ўчлар олсам,  
Тоймай, ўз тахтида чолсам,  
Ғамлиларга малҳам бўлсам,  
Қолмасди кўнглимда армоним».

Зору кўлига соз олиб,  
Созни таранг созлаб-чалиб,  
Қирқ аёлга ҳамдам бўлиб,  
Мана шундай куйлаб қолди:

— «Етдингиз шундайин бахтга,  
Гулзордай фарзандлик вақтга,  
Сирингизни айтманг ётга,  
Кўз ойдин, дўстлар, кўз ойдин.

Неча вақт ғамли юрдингиз,  
Ғамларда оҳлар урдингиз,  
Гулзордай фарзанд кўрдингиз,  
Кўз ойдин, дўстлар, кўз ойдин.

Аҳмоқ подшоҳ нени билсин,  
Кўзига тупроқ қуйилсин,  
Қиз бўлса ҳам омон бўлсин.  
Кўз ойдин, дўстлар, кўз ойдин!

Узоқ умр тиланг қизга,  
Қиз эмас, ёруғ юлдузга,  
Фарзанд қутлуғ барчангизга,  
Кўз ойдин, дўстлар, кўз ойдин».

Ҳамма хотин қучоқ очиб,  
Тўй-тўйлашди гуллар сочиб,  
Дўстлик-дўстликка улашиб,  
Гулзорга қарашар бари.

Зору айрилмайин турар,  
Айланиб, қўриқлаб юрар,  
Бари яхши хаёл сулар,  
Гулзорга қарашар бари.

Зору бешик тебратади,  
Ииғласа, алла айтади,  
Гулим ҳам келиб-кетади,  
Ҳол-аҳвол сўрашар бари.

Гулим қизин қучоқлайди,  
Кўзда ёшин мунчоқлайди,

Қўзидай асраб сақлайди,  
Ҳол-аҳвол сўрашар бари.

Ер тагида ўсмоқда қиз,  
Тета-поя босмоқда қиз,  
Кўргани йўқ: кун, ой, юлдуз...  
Ойнадан қарашар бари.

Ғоз турар, тиклар бўйини,  
Бешиги-топган ўйини,  
Кўрмай гўдаклик тўйини,  
Ер тагида яшар Гулзор.

Юзи сарғиш кун кўрмайин,  
Очиқда бир кун юрмайин,  
Гўдаклик даврини сурмайин,  
Ер тагида яшар Гулзор.

Орадан кунлар ўтганда,  
Гулзор иккига етганда,  
Муддати, вақти битганда,  
Зевар юкли бўлган экан.

Тенг йўқ Зеварда чиройга,  
Келтирдилар оқ саройга,  
Шукур қилдилар худойга,  
Ой-куни тўлган экан.

Қирқбир аёл бўлдилар жам,  
Тўлғоқ тутди бари хуррам,  
Қиз туғди шўрлик Зевар ҳам,  
Тўлин ойдай бўлган экан.

Қандай бахт бу—она бўлмоқ,  
Она бўлиб фарзанд кўрмоқ,  
Гулзордан ҳам сулув ва оқ,  
Қувонишиб қолган экан.

Етканди бари тилакка,  
Ўрашди момик йўргакка,  
Гулзор энди бўлмас якка,  
Бари бирдай суйган экан.

Якка эди, икков бўлди,  
Кўнгилларга қувонч тўлди,  
Маслаҳатга Зору келди,  
Отин Анор қўйган экан.

Ешлатиб икки кўзини,  
Дўстдай танитиб ўзини,  
Бошлади Зору сўзини,  
Жуда хушвақт бўлган экан.

— «Қани, дўстларим қулоқ сол,  
Қийин бўлмасин бизнинг ҳол,  
Икки қиз ҳам топсин камол,  
Бу сирни ҳечким билмасин.

Билса, дорга илдиради,  
Билмаганинг билдиради,  
Юрак-бағрин тилдиради,  
Бу сирни ҳечким билмасин!

Қисқарар узун бўйингиз,  
Бузилар ёруғ ўйингиз,  
Дўстларим билиб қўйингиз,  
Бу сирни ҳечким билмасин.

Қиз фарзандни хон суймайди,  
Билса, ўлдирмай қўймайди,  
Қон ичиб, қонга тўймайди,  
Бу сирни ҳечким билмасин.

Ешлигимдан сўлган гулман,  
Ешликда сўнган кўнгилман,  
Шундан буён шоҳга қулман,  
Қулликда ўтди бу умрим...

Мана шундай ўтган куним,  
Қайғуларда ўчган уним,  
Сизлар баринг менинг синглим!  
Шўрлик умрин билишдилар.

Қирқ аёл ҳам оҳ чекишди,  
Унга куйиб, ёш тўкишди,

Огадай яхши кўришди,  
Доим ҳурмат қилишдилар.

Кунлардан кунлар ўтганда,  
Кўп йиллар ўтиб кетганда,  
Вақти, муддати етганда,  
Қизлар бўйи етган экан.

Ўн беш ёшга келди Гулзор,  
Ўн уч ёшга тўлди Анор,  
Ер тагидан чиқолмай зор,  
Еруғ кунни кутган экан.

Зоруга деди икки қиз:

«Жавоб айтинг, оғажон, сиз,  
Нега бундай яшаймиз биз,  
Нима бизнинг гуноҳимиз?»

Шундай бошлар икков сўзин,  
Жовдиратар ёшли кўзин:  
«Кўрсатмайсиз дунё юзин,  
Нима бизнинг гуноҳимиз?»

Тукқандан бери онадан,  
Чиқмадик ушбу хонадан,  
Сақлайсиз қай бегонадан,  
Нима бизнинг гуноҳимиз?

Токай бунда ўтиргаймиз,  
Дилга зардоб тўлдиргаймиз,  
Қачон дунёни кўргаймиз,  
Нима бизнинг гуноҳимиз?»

Сўз тополмас, Зору йиғлар,  
Армон билан бағрин тиглар,  
Ахир барин баён қилар,  
Қизлар хайрон бўлган экан:

«Нега туғилдик бу замонда,  
Нима кўрдик бу жаҳонда,

Еш умримиз зимистонда!»

Икков зори қилган экан.

Келди шунда қирқ бир она,

Йиғига тўлди бу хона,

Юраклари ёна-ёна,

Чорасиз туришган экан.

Қирқ она ночор йиғлашиб,

Икки қиз сочин силашиб,

Яхшилик, умр тилашиб,

Тасалли беришган экан...

Мустаҳкам қалъа кетида,

Бепоен дала четида,

Ойдин ҳавзнинг сиртида,

Каттакон боғ бўлган экан.

Юксак дарахтлар шох отиб,

Қушлар сайраб, завқ таратиб,

Яшиллик қўйнига ботиб,

Юз хил гулга тўлган экан.

Ер тагида Гулзор, Анор,

Йиғлашади ҳар кун зор-зор:

«Дунёни кўрайлик бир бор»,

Бари ночор кўнган экан.

«Кўрайлик! — деб тургандан сўнг,

Сўзни шунга бургандан сўнг,

Оналар жавоб бергандан сўнг,

Кўнгиллари тўлган экан.

Еруг дунёни кўрмакка,

Каттакон боққа кирмакка,

Тун чоғи андак юрмакка,

Чикди иковлон қўлма-қўл.

Юлдузли кўкка қарашар,

Ҳар нима кўрса сўрашар,

Ою, кундай ярқаришар,

Ериб кетди боғ ва кенг чўл.

Эл кетди хали ётмайин,  
Хулкар юлдузи ботмайин,  
Кун туғипти тонг отмайин,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Одамлар турди ўрнидан:

Ой-кун туғди тун қўйнидан,  
Атроф ёрқирар нуридан...

Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Қанчалар ерда суринар,  
Қочмоқчи бўлиб уринар,  
Боғда икки қиз кўринар,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Қизлар боғни кезиб юрар,  
Суюнчлари тўлқин урар,  
Тўп-тўп одам келиб кўрар,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Подшога ҳам кетди чопар,  
Аломатдан берди хабар,  
Уйғонганди бутун шаҳар,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Подшо тез ўрнидан турди,  
Катта боққа қараб юрди,  
Олисдан қизларни кўрди,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Қўшиқ айтар эди Гулзор,  
Жўр бўларди унга Анор,  
Уйнашарди хумор-хумор...  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Подшо яқин келди дарҳол,  
Бош эгди қўш соҳибжамол,  
— Ота, — деди, шоҳ қолди лол...  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Салом бериб икки қиз ҳам,  
Саргузаштни сўйлар бардам,



Айтиб берди қилмайин кам,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.  
Уялмай шунча элидан,  
Шоҳ тутди Гулзор қўлидан,  
Қучоқлаб олди Гулзор белидан,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

— «Ҳой ноинсоф, бергил омон!  
Отамсан-ку... на шум замон!  
Бу ахир ўлимдан ёмон...»  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

«— Илож йўқ, тегасан менга,  
Бошингни эгасан менга,  
Тегмай тириклик йўқ сенга!»  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

«— Отамсанку, қандай тегай,  
Хотин бўлиб бошим эгай?  
Бу кунимдан тезроқ ўлай!»  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма ҳайрон.

Тегмайман, дорга оссанг ҳам,  
Кўзимга чўғлар боссанг ҳам...  
Сен ахир отамсан, отам...»  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён.

Ғазабланиб подшо турди,  
Қизни олиб ерга урди,  
— Итга ташланг, — деб буюрди...  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён...

Кўппак олдига ташлашди,  
Ҳалойиқ нола бошлашди,  
Ноилож кўзни ёшлашди,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён.

Лекин ит бермади зиён,  
Гўёки дер: «Лаънат, эй хон!  
Уз қизин оларми инсон?»  
Ит ҳам ҳайрон, ҳамма нолон.

Ит дер: «Нима гуноҳим бор,  
Бу ахир ўз қизинг Гулзор,  
Гуноҳсизга берманг озор...»

Ит ҳам ҳайрон, ҳамма нолон.

Кўпнак емагач олдирди,  
Темир қафасга солдирди,  
Ойлар қийноқда қолдирди,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён.

Гулзор жойи темир қафас,  
Йиғлар, чекар оҳ ҳар нафас,  
Лекин асло тегай демас,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён.

Шоҳ яна зулм бошлатди,  
Калтаклаб кўзин ёшлатди,  
Олис тўқайга ташлатди,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма гирён.

Гулзорни ташлаб тўқайга,  
Жаллодлар келди саройга;  
«— Жойлаб келдик, қайтмас жойга»,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма нолон.

Қирқ аёлни топмади шоҳ,  
Ер тагида чекишар оҳ,  
Қочгандилар, бўлиб огоҳ,  
Ҳамма ҳайрон, ҳамма нолон.

\* \* \*

Зору билан қочиб Анор,  
Тўқайда топганди қарор,  
Икки ботир бўлди дучор,  
Ов билан кун кўрар экан.

Тоғ этаги, кўлнинг бўйи,  
Қалин тўқай — пана уйи,  
Шоҳдан қасос олмоқ ўйи,  
Пайтни кўзлаб юрар экан.

Иккови ҳам банддан қочиб,  
Жаллодларнинг қонин сочиб,  
Ботирликка қучоқ очиб,  
Шу тўқайда турар экан.

Зору буларни биларди,  
Доимо умр тиларди,  
Ўзи ҳам излаб келарди,  
Кўриб хурсанд бўлди Зору.

Бир-бирига мададкор,  
Доим тўқайдан хабардор,  
Кўп ўтмай топилди Гулзор,  
Кўриб хурсанд бўлди Зору.

Кўзда ёшини силишди,  
Кўнглида дардин билишди,  
Дори ҳам дармон қилишди,  
Жуда хурсанд эди Зору.

Бир ботирга тегди Анор,  
Бир ботирга тегди Гулзор,  
Аҳд бойлашди — умрлик ёр,  
Жуда хурсанд эди Зору.

\* \* \*

Бешовлон кўнгил хушлашди,  
Энди бошқа гап бошлашди,  
Шоҳ томон қадам ташлашди,  
Яроқларин тақшидилар.

Эргашди зулм кўрганлар,  
Қасос ололмаи юрганлар.  
Қулай пайт кўзлаб турганлар,  
Мисли дарё оқишдилар.

Қарши турғанини ўлдириб,  
Саройга ўлик тўлдириб,  
Ишни жойига келтириб,  
Зиндонларни ёқишдилар.

Зору эшик очди дарҳол,  
Чиқиб келди қирқ бир аёл,  
Қизлар билан топишиб лол,  
Сукланишиб боқишдилар.

Подшони тутиб олдилар,  
Бўйнига арқон солдилар,  
Молдай бўғзидан чолдилар,  
Оламга бўлди шоҳ бадном.

Шундай, ботирлик этдилар,  
Мурод-мақсадга етдилар,  
Не-не замонлар ўтдилар,  
Достоним ҳам бўлди тамом.



## РАСМЛАР ИЗОҶИ

1. Бердақ овулда. (Муқовада).
2. Бердақ портрети.
3. Канал қазишга чиққан деҳқоннинг мироб томонидан саваланиши.
4. Келин.
5. Балиқчи қизи Гулим аҳмоқ подшоҳ ясовулларига қаршилиқ кўрсатмоқда.
6. Аҳмоқ подшоҳ харамига мажбуран олиб келинган балиқчи қизи Гулим.
7. Аҳмоқ подшоҳ ўлимга ҳукм этган икки йигитнинг қатлдан қочиб қутулиши.
8. Дор остидан қочган икки йигитнинг ўз маҳбубалари билан учрашуви.

## МУНДАРИЖА

Бердақ . . . . .	3
Халқ учун . . . . .	9
Яхшироқ . . . . .	13
Бўлган эмас . . . . .	16
Солиқ . . . . .	18
Ез келурми . . . . .	20
Бу замон . . . . .	22
Кўзим . . . . .	24
Кўрарман . . . . .	25
Қолмади . . . . .	26
Керак . . . . .	28
Излар эдим . . . . .	29
Келин . . . . .	33
Болам . . . . .	35
Нодон бўлма . . . . .	37
Ҳўкизим . . . . .	38
Айрилиқ . . . . .	39
Кўринди . . . . .	40
Қарамас . . . . .	43
Биласанми . . . . .	44
Хасис экан . . . . .	45
Урмим . . . . .	47
Аҳмоқ подшоҳ . . . . .	57

На узбекском языке

**БЕРДАХ**

Избранное

Издательство ЦК Компартии Узбекистана  
Ташкент — 1983

Нашриёт редактори *Т. Абдуллаев*  
Техн. редактор *Г. Ломиворогова*  
Корректор *У. Мадаминова*

Теришга берилди. 03.05.83. Босишга рухсат этилди 23.08.83.

Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Қоғоз №1. Гарнитура школьная.

Офсет босма. Шартли босма листи 3,51+7 вкл. Нашриёт

ҳисоб листи 4,28. Тиражи 90 000.

Заказ №1070. Ваҳоси: силлиқ ялтироқ қоғозда босилгани  
75 тийин, 1-қоғозда босилгани 65 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг  
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси  
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.